



ЖИНОЯТЧИЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ



(Ўзбекистон қамоқхоналарида гуноҳсиз ҳолда ваҳшийларча қийноққа солинаётган муслима опа сингилларимизга)
“Озодлик” радиосининг хабар беришича (ozodlik.) Ўзбекистонда фақат Куръони Карим ва Суннат илмини ўрганганликлари учунгина муслима аёллар диктатор Каримов ҳукумати ва золим миршаблари томонидан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларга солинаётган экан. Бу зулмлардан қочиб, оиласи билан Дубайда яшаётган муслима сингилларимизнинг айтишича, улар исломий илмлар ўрганишдан бошқа ҳеч қандай фаолиятда бўлмаганлар. Яъни, улар ўз жамоатларини қурмаганлар, золим Каримов режимига қарши бирон амалий ҳаракат ва ёки давлат билан чиқмаганлар.

Шунга қарамасдан улар фақат муслима бўлганликлари ва динимизни ўрганганликлари учун қамоққа ташланиб – айтишга на тилимиз айланади на қалбимиз чидайди – ваҳшиёна қийноққа солинганлар...

Инсон шаклидаги бу диктатор ва унинг жаллодларининг бундай ҳайвонсифат амаллари бу дунё ва охирағда жазосиз қолмайди албатта. Ўз ўрнида биз бу муслима сингилларимизни унутмаганлигимизни, қўлимиздан келганча уларга ёрдам беришга ҳозирмиз ва келажакда бу малъун жаллодларнинг топиб, адолатли маҳкамада жазога тортилишига зарра қадар шубҳа йўқлигини билдираемиз. Иншаллох, тез яқинда диктатор Каримов ҳам, унинг золим режими ҳам, ҳайвон шаклига кирган жаллодлари ҳам ўз мавқеларидан маҳрум бўладилар, адолатли маҳкамаларда ўз қилмишлари учун жавоб берадилар. Ўзбекистон қамоқхоналарида Аллох таолони Парвардигормиз, дея эътиқод қилганликлари учун азоб чекаётган муслима опа сингилларимизга Аллохдан мадад ва сабр тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Халқ Ҳаракати
инсон ҳақлари бўлими**

ФУРСАТ ҲАМ ҒАНИМАТДИР

Рўза тутмоқ мўмин учун фарз ва суннатдир,
Уни адо этганлар пайғамбарга умматдир.
Исломнинг арконлари барча мусулмонга хос,
Уни бажармоқ эса, бу исломга ҳурматдир.
Тақво, фарз амаллари бари олий фазилат,
Холис ОЛЛОҲ йўлида бу бизларга хизматдир.
Тақводор, рўзадорлар ифтор, эҳсон қилурлар,
Ким буни қила олса, бу ҳам олий ҳимматдир.
Кимнинг ихлоси баланд, кимнинг иймони сустдир,
Мукофоту жазонинг, манзили қиёматдир.
Иймон билан юрганлар, топурлар олий мақом,
Бугун амал қилиб қол, фурсат ҳам ғаниматдир.
Бу Қодирий доимо, аҳдига садқатда
У ҳам бугун рўзадор, пайғамбарга умматдир !
Абдулқодир Нурмуҳаммад

9 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЎЗБЕКISTONЛИКЛАР БИР ЗУМДА МОБИЛ АЛОҚАСИЗ ҚОЛДИЛАР – БУ НИМАДАН ДАРАК?

Бу фактни нафақат англаш балки эшитиш ҳам ажабланарли туюлиши мумкин. Ҳа, бу ҳақиқат. Бу ҳодиса Ўзбекистондан бошқа мамлакатда содир бўлиши мумкинми? Билмайман. Бу оддий қилиб айтганда, биз ўзбекистонликларга ҳукумат ва МТС компаниясининг сизлар ҳеч кимсиз дегани эмасми?

(Давоми 2-бетда)

ҒАФФОР ХОТАМОВНИНГ “ОДИЛ ЁҚУБОВ ВА АЖОЙИБОТЛАР” ҚИССАСИНИНГ 1-20 БОБЛАРИГА

Адабиётимининг истеъдодли вакиллари тош отиш, уларнинг номларини булғаш билан шов-шув бўлиш ёзувчи учун энг чиркин шуҳратдир.

(Давоми 2-бетда)

МАРД БЎЛИНГ, ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Сизнинг шарофатингиз ила ўзбекларни дунёнинг турли бурчакларида учратаемиз. Улар сиёсий қочқинлар, улар мардикорлар, улар фоҳишалар, бола сотганлар, бола ўғирлаганлар ва ҳақозо, ҳақозолар.

(Давоми 3-бетда)

ФАБИО ИНДЕО: АРАБ БАҲОРИ ЎРТА ОСИЁДА БОШЛАНИШИ АМРИМАХОЛ.

Ўрта осиедаги собиқ совет республикаларининг ҳукуматлари Яқин Шарқдаги инқилоб юкумли касаллигидан ажалдан кўрққан сингари кўрқадилар.

(Давоми 4-бетда)

“БОЙСУН ВОКЗАЛИ”ДА БОЙ- СУНЛИК “ЭРК”ЧИ ХИБСГА ОЛИНДИ!

2012 йил 9 июль куни кеч соати 17-00да Ўзбекистон “ЭРК” Демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси Фахриддин Тиллаев, “Ўзбекистон Темир йўллари”га қарашли “Бойсун”-темир йўллар вокзалида хибсга олинди. Фуқаро Ф.Тиллаев, “Термез-Тошкент” йўналиши бўйича қатнаётган №271-сонли поезднинг 1 вагон, 29 места бўйича чипта сотиб олган эди...

(Давоми 5-бетда)

9 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР БИР ЗУМДА МОБИЛ АЛОҚАСИЗ ҚОЛДИЛАР – БУ НИМАДАН ДАРАК?



Бу фактни нафақат англаш балки эшитиш ҳам ажабланарли туюлиши мумкин. Ҳа, бу ҳақиқат. Бу ҳодиса Ўзбекистондан бошқа мамлакатда содир бўлиши мумкинми? Билмайман. Бу оддий қилиб айтганда, биз ўзбекистонликларга ҳукумат ва МТС компаниясининг сизлар ҳеч кимсиз дегани эмасми? МТС компанияси бу ўчириш ҳақида Тошкентда 1,5-2 соат аввал смс

орқали ўз мижозларини “хабардор” қилди, вилоятларда эса умуман хабар беришни эп билмади. Хўш, бу ҳолатга фуқаро ва истеъмолчи назаридан қарасак бу нимани аналитиши мумкин?

1.Ўзбекистонда деярли ҳеч қандай ҳуқуқ ҳимоя қилинмайди ва бизнес ҳурмат деган тушунча ҳам мавжуд эмас.

2.Инсонлар ўз ҳуқуқларини билиш-

ни ва ҳимоя қилишни истамайдилар ва ҳокимият томонидан барча камситишни мардонавор қабул қиладилар.

3.Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар қаерда фаолият юритмоқдалар ва бу борада ҳисобот берадиларми?

4.Бу иши учун МТС компаниясини судга 9,5 миллион абонентдан нечта (минг, миллион ҳақида гап кетмаяпти) фуқаро судга топширади?

5.Нега бунчалик кўрқоқмиз ва бундан уялмаймиз? Ахир бизлар ҳам бу дунёда тирик инсонлармизку. Биз ўзимизни ўзгартирмасак шу аҳвол давом этаверади ва келажакни биз учун бошқалар белгилаб бериш хавфи ортиб бораверади. Аммо ноумид шайтон. УХХнинг тузилиши ва фаолияти бу умидни жонлантиради ва ишонч яратади.

Nodirabegim

ГАФФОР ХОТАМОВНИНГ “ОДИЛ ЁҚУБОВ ВА АЖОЙИБОТЛАР” ҚИССАСИНИНГ 1-20 БОБЛАРИГА

ТАҚРИЗ

Адабиётимининг истеъдодли вакилларига тош отиш, уларнинг номларини булғаш билан шов-шув бўлиш ёзувчи учун энг чиркин шуҳратдир. Устод ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор каби инсонларнинг оиласига(улар ким бўлишидан қатъий назар) тил теккизиш, марҳум инсонларнинг руҳини чиркитратиш – ахлоқсизликнинг энг тубанидир.

Бу китобда тилга олиниб, лой чаплаган инсонлар ҳимояси учун бу пасткашликка “тўхта” дейдиганларнинг майдонга чиқишига шубҳамиз йўқ. Мен бу “асар”нинг фақат шу бўлимига тўхтамоқчиман. Гарчанд бу алжирашларга Мухаммад Солиҳ ўзининг “Халқ хотираси” мақоласида жавоб берган бўлса-да, мен бунга баъзи фикрларни илова қилишни лозим курдим. Мансаб талашиб ўлиб кетаётган жамоанинг кўзга қуриган намоюдаси Гаффор Хотамов, бу ёзганларингизда мансаб ва мукофотдан бошқа бирорта дардингиз бўлмагани шундоқ кўриниб турибди. Бутун китобингиз шу майда гаразўйликдан иборат-а, қаранг! Ғийбат ва фиқсу фасод ишқибозларинингиз сизнинг бу мағзавангни жирканмай ўқиши мумкин.

Ахлокли инсонларни бу “қисса”ннгиз жиркантиради.

Сиз О.Ёқубовнинг тўрвасини кўтариб умр ўтказган бир югурдак эдингиз (буни ўзингиз тан олиб,бундан фахрланишингиз қизик!). Бугун ҳам шу савиядасиз, фақат бугун каримовнинг тўрвасини ташиялсиз. Бу ҳолингиз аввалги ҳолингиздан ҳам шарафсизроқдир. Шумшук кимса эдингиз, шундайлигингизча қолибсиз, Мухаммад Солиҳга ҳасад қилиб,

ичингиз ёниб кетганини энди, шунча йил ўтиб, айтаясиз.

Нега аввал айтишга журъат этмадингиз? Чунки кўрқоқ, аянчли кимсасиз, мард бўлганингизда эди, Солиҳ Ўзбекистонда эканлигида айтардингиз бу гапларни.

Солиҳнинг ҳар қандай мансабини бир тийинга олмаганини ҳамма билади,душманлари ҳам,сиз ҳам биласиз. Ёзувчилар Уюшмаси котиблигини ҳам , депутатликни ҳам ўз истаги билан,мардона, бир хур инсон каби, ҳеч иккиланмай ташлаб кетди.

Мустақиллик 1 йиллигига берилиши керак бўлган медал тақлифини ҳам битта Мухаммад Солиҳ рад қилди.

Бу мукофотга энг лойиқ кишилардан бўлишига қарамасадн!

Ҳужжатлар билан собит бу воқеалар. Сиз ҳар ҳолда йўқ эдингиз у ерларда, бўлсангиз ҳам сиздайларнинг гапини биров бир чақага олмасди.

Бугун ҳам МХХ дан бошқа сизни бир чақага олган кимса йўқлиги аниқ.

Бу ҳам Солиҳ туфайли, нутманг. Солиҳни ёмонлаганингиз учун ҳам МХХ га кадрлисиз. Аммо МХХ ҳам ичида сиз кабилардан нафратланади, чунки кўрқоқ, умуртқасиз, майдақаш, ҳасадгўй типлардан ҳамма нафратланади. Улардан фойдаланадилар, аммо нафратланадилар.

Мухаммад Солиҳ мард, тўғри сўз, миллати учун чинакамига жон куйдирган, бу йўлда ўз ҳаётини ўртага қўйган бир эркақдир. Унинг яшаётган ҳаёти сўзимизнинг исботидир. Уни сиз каби кўрсичқонсифат кимсалар кўролмаслиги табиий, чунки бундай бир инсоннинг борлигинингиз сизни рад қилади. Мухаммад Солиҳнинг миллати учун қилган ишларининг юздан би-

рини ҳам сиз ва сизнинг бутун устозларингиз қилаолмаган. Совет даврида яшаб, давлат тили, юрт табияти ҳимояси, аёлларимизга қарши тадбиқ этилган туғишни қисқартиш сиёсатига қарши, мустақиллик Декларациясини тайёрлаб, уни Олий Кенгашда қабул қилдириш каби муҳим давлат ишларини амалга оширишга айнан Мухаммад Солиҳ йўлбошчилик қилди.

Сиз ва устозларингиз эса аввал Компартиянинг, кейин каримовнинг орқасини ялаб умрингизни ўтказдингизлар. Одамларни кўр ва кар деб ўйлайсизларми?

Бу ерга чиқиб, нима ёзсам ишонади деб ўйлайсизларми?

Мухаммад Солиҳ 1988 йил Ёзувчилар Уюшмасига сайланган илк коммунист бўлмаган ёзувчи эди. Уни ёзувчилар сайлади. У Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказқўмининг катта қаршилигига қарамай сайланди. Бу мақомга ўз меҳнати ва ҳалол шуҳрати билан келди Солиҳ Совет даврида ўз ҳаётини таҳлика остига қўйиб,“руслар кушандаси миллатчи” тамғасини олиб, қилган ишлари учун бу мақомга юксалди. Сизлар у пайтда кўрсичқонлар уясида жим, қачон бу “дахрий” Солиҳни қамар экан, деб умид билан, мўлтираб ўтиргандингизлар.

Агар сизларнинг бир чақалик обрўнгиз бўлганда эди, ўша эслатилган пленумда Солиҳнинг котибликка номзодини ўтказмасдингизлар. Бугун ҳам имконингиз бўлганида Солиҳни отангиз Каримов қўлга тиоширишга уришиб кўрган бўлардингизлар, аммо Худо бу имконни сизга бермади.Чунки ниятларингиз қора, худди юзингиз каби.

**Ғ. Фатҳиддин, шоир
Риштон**

МАРД БЎЛИНГ, ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон президенти И.Каримовга Швеция Қироллигида сиёсий қочқинлик мақомида яшаб келаётган Ўзбекистон фуқароси Тўлқин Қораевдан очиқ хат

ҲУРМАТЛИ ПРЕЗИДЕНТ!

Сиз йигирма йилдан ортиқ Ўзбекистонда ҳокимиятни бошқармоқдасиз. Бу муддат ичида мамлакат абгор бир аҳволга келди. Сизнинг шарофатингиз ила ўзбекларни дунёнинг турли бурчакларида учратаймиз. Улар сиёсий қочқинлар, улар мардикорлар, улар фоҳишалар, бола сотганлар, бола ўғирлаганлар ва ҳақозо, ҳақозолар. Ўзбекистон дунёда энг қаттол диктатура режими ўрнатилган бир мамлакатга айланди ва йигирма йилдирки, сизнинг буйруғингиз билан сиёсатингиздан норозит бўлганлар ўлдирилмоқда, турмаларга ташланмоқда, дом даракасиз йўқотилинмоқда.

Айтингчи, бундай сиёсатингиздан миллат ва халқ қандай қилиб рози бўлсин? Сталин даври қатлиомлари бугун Ўзбекистонда экан, қандай қилиб бу халқ сизга шукрона қилсин?

Сталин даврида Совет халқи деб аталадиган халқнинг асл фарзандлари биргина “халқ душмани” деган тамға остида кириб юборилгани таърихдан маълум. Лекин бугунги даврга келиб ҳам одамларни мана шу тамға билан “сийлашлар” кенг ёйилаётганини биласиз.

Бугун кимки сизнинг сиёсатингиздан рози бўлмаса у халқ душмани. Нега? Халқнинг душмани бутунлай бошқа одамлар эмасми ахир? Масалан порахўр прокурорлар, порахўр терговчилар, ҳокимиятда ўтирган турли туман тепса тебранмаслар... Мен 1998 йилдан бери сизнинг олиб бораётган сиёсатингизга норозилик билдириб келаман.

Бу давр ичида қанчадан қанча одамлар ўлдирилмади. Бу давр орасида Андижон қатлиоми ҳам бўлиб ўтди. Бу давр ичида ўзбекларнинг анча қисми тарқи ватан қилди. Ҳозирда Ўзбекистон халқининг саккиз миллионга яқини Россияга яшашга маҳкум ва сиз тагин қаттол сиёсатингизни давом эттиряпсиз.

Бу аҳволда Ўзбекистонда ким қолади деган савол устида бош қотириб кўрдингизми? Имкони борлар четга чиқиб яшасин, имкони бўлмаганлар турмаларингизда жон берсин.

Сиз келажакда кимга президент бўлмоқчисиз? Юқорида айтиб

ўтганим, прокурорлар ва терговчиларингиз, ҳамда бошқа мансаблардаги порахўрларга пора берадиган одам Ўзбекистонда қолмаса улар ўзингизга душман бўлиб қолмайдими! Буни билсангиз керак хой на хой. “Халқ душмани” тамғасини бежиз ёдга олмадим. Менинг олиб бораётган фаолиятим учун нега ака-укаларим жавобгар бўлишлари керак деган саволни бермоқчи эдим.

Бугун (19 июль 2012 йил) менинг Қарши шаҳрида яшайдиган укам Санжар Қораевга нисбатан провокацион ҳаракат амалга оширилди.

Бу ҳақида укам билан телефон орқалик боғланиб маълумот олдим. Ойдин исмлиқ бир аёл бир неча кундан буён укамга ва унинг аёли Зилолага, ҳамда уларнинг болаларига қарата “Халқ душманисанлар” дея қичкириб келаяпти. Бугун бу ҳақоратларга чидай олмай қолган келиним (укамнинг оиласи Зилола) унинг ёнига бориб қичқиришни бас қилишни талаб қилибди. Айни шу ҳаракатни кутиб турган Ойдин унга ташланиб қолади ва вазиятни юмшатиш учун борган укам ҳам Ойдиннинг қалтагини еб қолган. Натижа нима бўлди дерсиз? Натижа шуки, Ойдин ҳозир касалхонада ётибди ва унга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистонда айни мана шу усулда одамларга нисбатан провокациялар уюштириш одатга кирганлигини дунё билади бугун. Лекин бундан на сиз ва на сизнинг мансабпарастларингиз хижолат тортмайсилар. Укам ҳеч қандай сиёсий фаолият олиб бормайди. У журналистика билан ҳам машғул эмас ва инсон ҳуқуқлари курашчиси ҳам эмас.

Нега энди унга ташланаяпсиз. Маълумки, шу йилнинг 22 февраль кунинда сиз томонингиздан юборилган бир ёлланма қотил Швецияда жуда пухта ишланган бир операцияни ўтказди. Натижа кутилгандек бўлмаган бўлсада, аммо кутилган эффектдан узоқ эмас. Обид қори Назаров ҳали ҳамон кома ҳолатида ётибди.

Буни нима учун келтиряяпман? Сизда имкониятлар катта. Менга қасд қилган бўлсангиз яна бир ёлланма қотилини юбориш сиз учун қийин бўлмаса керак ҳар ҳолда.

Нега яқинларимга бунақа тарзда хужум уюштиряяпсиз. Нега у аёл



укамнинг ҳали оқ-корани таниб улгармаган болаларига ҳам “амакинг душман (яъни мен), амакинг душман (синглим Гулшан), ҳаммакинг халқ душманисанлар” дея қичкирмоқда?! Бу ишини у овул ҳамсоёларга ҳам эшиттириб қилаяпти.

Натижада Ойдин (фамилиясини эслаб олмаяпман) касалхонада ётибди. Уни биров урмаган, сўкмаган, аксинча унинг ўзи бошқаларни уриб, ҳақоратлаб, кейин “жабрдийда” бўлиб олди.

Ўзим билан ҳам Қаршида 2005 йилнинг 4 июнь кунинда шу каби бир воқеа содир бўлганди. Бунда Юлдуз Шерова исмлиқ фоҳиша аёл менга ташланиб, кейин “жабрдийдага” айлангани, натижада мен 10 суткалик қамоқ жазосини ўтаганим, шундан сўнг тарқи ватан қилишга мажбур бўлганим ҳали ёдимдан чиқмайди. Юлдуз Шерова эса нафақат фоҳиша, балки наркоман аёл ҳам эди. Ойдин исмлиқ аёлни ҳам жуда яхши танийман. Унинг бир қизи ҳам бор ва ҳеч қачон ёлчитиб бировга хотин ҳам бўла олмаган. Қизи ҳам айни шу алфозда яшайди. Ўзбеклар бунақа аёллардан жирканишади ҳатто. Фақат сиз ва сизнинг гумашталарингиз жирканмайди холос.

Укам Санжар Қораев намозхон йигит бўлганида уни “Ҳизбут таҳрирга”, ёки “вахобийликда”, ёнки қандайдир бошқа бир диний – радикал оқим фаоли сифатида қамоққа ташлаш мумкин бўларди. Лекин ундай эмасда. Демак уни “халқ душмани” деб аташ ўринлироқ бўлса керак сиз учун.

Ислому Абдуғаниевич! Менинг яқинларимга нисбатан бу кўринишдаги провокацион ҳаракатларни тўхтатишингизни талаб қиламан! Мард бўлинг! Сиз юрт сўраётган президентсиз ва сизга бунақа ишлар ярашмайди! Сизнинг ҳозирги ҳатти ҳаракатларингиз эса мард ўғлоннинг ҳаракатларига сира сира ўхшамапти.

Тўлқин Қораев

ФАБИО ИНДЕО: АРАБ БАҲОРИ ЎРТА ОСИЁДА БОШЛАНИШИ АМРИМАҲОЛ.

Ўрта осиедаги собиқ совет республикаларининг ҳукуматлари Яқин Шарқдаги инқилоб юқумли касаллигидан ажалдан кўрққан сингари кўрқадилар.

Шу сабабдан ҳам бу ерлардаги диктатор золимлар ислохотга ўхшаш кўри-нишлар ясаш ва мамлакат дарвозасига, ҳукумат мансабдорларининг идоралари остоналарига демократик шиорлар осиб қўйиш билан ўзларининг умрларини узайтиришни гарантиялашга жон куйдириб уринишмоқдалар.

Шимолий Африка ва Яқин Шарқда авж олган инқилоблар акс садоси, ва демократик жараёнларга йўл очадиган, мавжуд сиёсий тизимларни ўзгартириши мумкин бўлган юқумли Араб баҳори, бешта Ўрта Осие постсовет республикаларининг ҳукумат бошлиқларини ҳимояланиш позициясини тутишга мажбур қилди. Энди улар, ўзлари ўрнатган мавжуд сиёсий институтларни супуриб ташлай оладиган исломлашиш тўлқинларига қариш турадиган ҳокимият имкони ва кучларини йўқотиб қўйишларидан кўрқишмоқдалар.

Ўрта Осие ва шимолафрика, ва яқиншарқ мамлакатларини бир қатор маҳаллий хусусиятлар бирлаштирадиган кўринади ва улар араб баҳори тўлқинларида ўзгаришлар бўлишининг шартларини олдиндан кўришга имкон беради: камбағалчилик, авторитаризм, порахўрлик(коррупция), сиёсий ўзгармаслик, нашр, нашриёт ва оммавий ахборот воситалари устидан давлат назорати, ҳокимиятда муҳолиф партиялар вакилларининг камлиги ёки бутунлай йўқлиги, ёшлар орасида ишсизлик даражасининг юксаклиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Сиёсий лидерларнинг умри узоклиги – бу Ўрта Осиедаги вазиятни Миср ва Ливияда инқилобларгача бўлган ҳолатга яқинлаштирадиган бир хусусиятдир: Каримов ва Назарбоевлар мос равишда Ўзбекистон ҳамда Қозоғистоннинг 1991 йилдан (ўша йили Ўрта Осие республикалари мустақилликка эришганлар) буён президентларидир. Тожикистонда эса, Раҳмон қонли фиқаро уруши йилларида ҳокимиятга келган эди ва у ҳозиргача эътирозсиз ҳокимиятга эга бўлиб турибди. Туркманистонда 2007 йили мамлакат президенти Ниёзовнинг ўлиmidан сўнггра ҳокимият алмашиши амалга оширилди. Бу Сафар ҳокимиятни аввалроқ

Президент вазифасини бажарувчи лавозимига ўтказилган Бердимухаммадов эгаллади. Қирғизистонда аҳвол бир мунча бошқачароқ кечаяпти. Чунки бу мамлакатда кейинги етти йил давомида иккита муҳим сиёсий ўзгариш юз берди: 2005 йилда “Лолалар инқилоби” номини олган воқеа ва 2010 йилда “аксилник-қилоб” содир этилиб, президентлик республикасида парламент республикасига ўтиш каби сиёсий институцион ўзгариш амалга оширилди.

Инқилобий юқумлиликнинг беқарорлаштирувчи таҳликасига қарши Ўрта Осиелик президентлар, мўътадил ва юмшатувчи расмий тадбирлардан тортиб то ижтимоий норозиликларни ифода-лайдиган оммавий намойишларга йўл бермайдиган сиёсий – ижтимоий чеклашлар орасида тебраниб турган тадбиру чоралар қабул қилиб улгурдилар.

Ижтимоий тармоқ(сета)ларнинг Шимолий Африка мамлакатларида араб баҳорининг юз беришидаги ролини яхши тушуниб етган Ўрта Осиелик президентлар, Twitter ва Facebookка киришга тўсқинлик қилиш йўллари ишлаб чиқишдилар. Бу ишда – интернетдан фойдаланишни чеклаш ишида, Хитойда йўлга қўйилган филтёрлаш усули жуда қулай келмоқда.

Бу ишлар билан баробар норозиликларнинг ва норозилик намойишлари келиб чиқишининг олдини олиш ниятида баъзи бир либерал юмшатиш қарорлари ҳам олинаётганлигини кузатиш мумкин бўлаяпти. Мисол сифатида Ўзбекистонда баъзи бир сиёсий махбусларнинг озод қилиниши ва конституцион ўзгаришларни, Назарбоевнинг парламентар сиёсий системани жорий қилиш ҳақидаги таклифини, Туркманистон қамоқхоналарига Қизил Ярим ой жамияти Халқаро комитети (2011 йил июл ойига қадар бундай зиёратлар ман қилинганди) вакилларининг зиёратларини кўрсатиш мумкин.

Ўрта Осие мамлакатларида муаммолар бир-бирига ўхшаш бўлсалар-да, уларни ҳар тарафлама ҳам бир хил ҳисоблаб бўлмайди. Уларда сиёсий ва сиёсий институцион қурилишлар турли хилдир. Менимча, бу мамлакатларда араб баҳори моделида ўзгаришлар қилиш, турли хил номуносиб вазиятларни келтириб чиқариш мумкин.

Ўзбекистон ва Туркманистондаги



режимларнинг шафқатсизлиги, бу ерларда демократиклашиш жараёнининг бошланишига ишонишга асос бермайди. Ҳокимиятнинг ўзгариши оқибатида ўртага чиқиши мумкин бўлган беқарорликнинг олдини олиш мақсадида президент Каримов, келажақта ҳокимият алмашишини тартибга соладиган усул ишлаб чиқди, яъни ижроия ҳокимиятининг ваколатини қайтариш йўли билан парламент ҳокимиятини кенгайтиришга йўл очди.

Бундай мўътадил юмшашлар кифоя эмасга ўхшайди, аксинча вазият, эркин ва очиқ сайловлар ўтказилишини, оммавий ахборот воситалари мустақил-лигини, ҳақиқий кўппартиявийлик ситемасини гарантиялавчи ислохотлар ўтказишилиши зарурлигини талаб қилади.

Ўзбекистонда содир бўлиши эҳтимолда бўлган ғалаёнлар, армия, Каримовнинг атрафидагилар, радикал исломийлар, муҳолиф ҳаракатлар бир-бирлари билан тўқнашиб, Сурия ёки Ливиядаги сингари фиуқаровий жангларга олиб келиши ва минтақавий беқарорликнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан бўлиб қолиши мумкин. Вазият, ўз зиммаларига олишган иккитомонлама ва кўп томонлама мажбуриятларига асосан Россия ёки Хитой, ё ҳар иккаласининг биргаликда воқеаларга аралашishi мумкинлиги билан янада чигаллашади.

Тожикистон минтақадаги энг заиф звено ҳисобланади: бу ер, ижтимоий кескинликнинг портлаши учун авторитаризм ва камбағалчилик аралашмасидан ташкил топган мукамал(идеал) қаришмадир. Бу ерда вазият, Афғонистон чегараси ёмон кўриқланаётганлиги сабабли тез тарқалиб кетиши эҳтимоли бўлган радикал исломий терроризм таҳликаси учун жуда қулай бўлиб турганга ўхшайди.

Қирғизистон, кўппартиявий сиёсий вазият ҳолида парламент демократиясига ўтиш ва президентни икки марта мажбурий алмаштириш йўли билан жуда муҳим ислохотни амалга оширишга ҳаракат қилди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Баши олдинги бетда)

Бироқ иқтисодий ночорлик, минтақавий, яъни шимол-жануб каби сиёсий бўлинишлар ва Фарғона водисининг қирғиз қисмидаги миллий(этник) низолар бу ерда янги кескинликларнинг ва норозичилик ҳаракатларнинг такрорланиши мумкинлигини тақозо қилаяпти. Атрофи нефт-газга бой бўлган Жанаозан шаҳрида 2011 йилнинг декабрида юзага келган ғалаёну тартибсизликлар, Қозоғистонда араб баҳорининг бошланиши шаклида қабул қилинган. Аммо Қозоғистондаги сиёсий барқарорлик ва унинг муҳим энергетик ва стратегик аҳамияти республиканинг хавфсизлигида энг яхши гарант ҳисобланади. Чунки асосий минтақавий ва интернационал(халқаро) геополитик иштирокчилар Қозоғистонда ўшандай барқарорликнинг сақланишидан манфаатдордирлар. Араб баҳори содир этилган мамлакатлар билан кўп жиҳатдан ўхшашлик-лариға қарамасдан,

ФАБИО ИНДЕО: АРАБ БАҲОРИ ЎРТА ОСИЁДА БОШЛАНИШИ АМРИМАҲОЛ.

Ўрта Осиёда шундай омиллар ҳам борки, улар бугун бу минтақада самарали ижтимоий – сиёсий ва сиёсий институцион ўзгаришларнинг амалга оширилишига тўққинлик қилади. Ушандай омиллар жумласига воқеалар тафсилотларини бутун минтақага тарқатиб турадиган Ал-Жазира каби телетармоқнинг йўқлиги, Интернет ва социал-(ижтимоий) тармоқлардан фойдаланишнинг чекланганлиги, Шимолий Африка ва Яқин Шарққа нисбатан ахборот тармоқларидан фойдаланувчиларнинг жуда камлиги, халқнинг норозилик чиқишларини бошқарадиган яхши ташкиллаштирилган мукамал ҳаракатлар ва лидерларнинг йўқлиги кабилар қиради. Юқорида айтилганларға минтақадаги икки буюк давлат – Россия ва Хитойнинг манфаатлари ва стратегиясини ҳам ило-

ва қилиш лозим бўлади. Чунки улар, ўзларининг иқтисодий ва энергетик лойиҳаларини амалга оширишга тўққинлик қиладиган Ўрта Осиёдаги беқарорлик-тартибсизликлардан жуда кўрқишадилар. Шунинг учун улар Ўрта Осиёдаги мавжуд ҳолатнинг сақланишини қўллаб-қувватлайдилар. Аммо шуни ҳам кўрсатиш лозимки, Москва ва Пекиннинг манфаатлари шу кунлардаги Ўрта Осиё лидерлари билан мос тушмай қолса, улар бу ерлардаги ҳокимият ўзгаришларини қўлламайди деб ҳам бўлмайди. Нашрнинг оригинали: La primavera araba non arriverà in Asia Centrale 11/07/2012 (“Limes”, Италия), Фабио Индео (Fabio Indeo) Материал, centrasia.ru адресдаги рус тилидаги вариантыдан олиб ўзбекчага ағдарилди.

Таржимон: Алибой Йўляхши

“БОЙСУН ВОКЗАЛИ”ДА БОЙСУНЛИК “ЭРК”ЧИ ҲИБСГА ОЛИНДИ!

(Давоми: Боши олдинги бетда)

2012 йил 9 июль куни кеч соати 17-00да Ўзбекистон “ЭРК” Демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси Фахриддин Тиллаев, “Ўзбекистон – Темир йўллар”га қарашли “Бойсун”-темир йўллар вокзалида ҳибсга олинди. Фуқаро Ф.Тиллаев, “Термез-Тошкент” йўналиши бўйича қатнаётган №271-сонли поезднинг 1 вагон, 29 места бўйича чипта сотиб олган эди...

Ф.Тиллаевни Бойсун туман прокуратурасининг терговчиси Боходир Музаффаров, туман МХҲининг раҳбари “Фахриддин” исимли шахс ва туман ИИБининг маъсул ходими Нодир Шоимқуловлар туман прокурори Шухрат Мавлоновнинг хонасига келтиришган. Туман прокурори Ш.Мавлонов фуқаро Ф.Тиллаевга “Тошкент шаҳрига нима мақсадда кетмоқдасиз? У ерда нима ишлар билан шуғулланмоқдасиз? каби саволлар билан суруштирув ишларини олиб боришган. Фуқаро Ф.Тиллаев Тошкент шаҳрида уй-жойини доимий равишда “прописка” қилдириш мақсади борлигини айтган. “Сизда ўша айтилган гапларингизни исботловчи ҳужжатлар борми?” деб туман прокурори савол берган. Ф.Тиллаев ўз билан олиб юрган Тошкент шаҳридаги уй-жой ҳужжатларини туман прокурорига кўрсатган. Худди ўша жойнинг ўзида Ф.Тиллаевга тегишли бўлган “дипломат” туман ИИБининг маъсул ходими Но-

дир Шоимқулов томонидан тинтув қилинган. Тинтув давомида ҳақиқатдан ҳам Ф.Тиллаевга тегишли бўлган уй-жой ҳужжатлари борлиги аниқланган. Туман МХҲининг маъсул ходими, “Фахриддин” исимли шахс фуқаро Ф.Тиллаевга бир нечта савол билан муроҷат қилган. Унинг саволи қўйидагича бўлган. “Бизнинг “опер работник” ларинг бизга берган маълумотиға кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида муҳолифат аъзолари иштирокида, “Ўзбекистондаги муваққат ҳукуматни тинч йўл билан алмаштириш...” намоиш акцияси ўтказилади” деган “версия”лар мавжуд” шунга Сизнинг иштирок этишлигингиз тўғрисида маълумотлар бизга келиб тушган...” Фуқаро Ф.Тиллаев “Сиз айтган ўша, “версия” қанчалик ҳақиқатга яқин? Билсак бўлад-ми?” деб айтган саволиға туман МХҲи лол-лим демаган. Шундан сўнг, фуқаро Ф.Тиллаев туман прокурорига, “нимага асосланиб мени туман прокуратурасига олиб келгансизлар? деб айтган саволларига туман прокурори Ш.Мавлонов, терговчи Б.Музаффаровни чақиртириб, “фуқаро Ф.Тиллаевдан “тушунтириш хаги” олишларини сўраган. Фуқаро Ф.Тиллаев “мен Адвокат талаб қиламан ва ҳеч қанақанги “тушунтириш хаги” ёзиб бермайман” деган. Шундан сўнг, фуқаро Ф.Тиллаев орадан 3 соат ўтгандан сўнг, туман про-



куратурасининг биносидан чиқариб юборилган...

Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтамоқчимиз Сиз азиз муштарийларимизға. 2009 йилнинг декабрь ойида фуқаро Ф.Тиллаев, “Тошкент-Бойсун” йўналиши бўйича қатнайдиган автобус “Дарбанд ИПХ” масканинг ходимлари томонидан тўхтатилиб, фуқаро Ф.Тиллаевни “ИИБнинг ходимларига бўйсинмаганлиги учун”, 3 сутка қамоқ жазоси тайинланган эди. Худди шунингдек, 2011 йилнинг 6 декабрь куни Бойсун тумани прокуратурасининг биноси олдида фуқаро Ф.Тиллаев пикет уюштирилганлиги учун, Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 194 моддаси 1-қисми билан айблаб, яъни “ИИБининг талабларига бўйсинмаганлиги учун” 5 сутка оғирроқ қамоқ жазоси тайинланган эди...

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, “ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ” деб юритилаётган жамият, нега ўз фуқароларидан бунчалик ҳам кўрқишади?!

Мансуржон Фозилжонов
мустақил журналист.

ШУБҲАЛИК ТЎЛОВЛАР ҚАРЗМИДИ?

Имомга нисбатан уюштирилган суиқасд маҳкамаси давом этади: Шубҳалик тўловлар қарзмиди? Судланаётганларнинг ҳисоб рақамларидаги олтита рақамлик миқдордаги пуллар Швеция визасини олиш учун уюштирилган оддий сохта активлардир. Бу ҳол Стромсундда уюштирилган суиқасд ортидан ўтказилинаётган бугунги (17 июль 2012 йил) маҳкама жараёнида гувоҳлик берган шахснинг сўзларидан маълум бўлди. Прокурорга суиқасдга кўмаклашганликда гумонланаётган шахсларнинг оз миқдорда маош олишлари ортидан, уларнинг ҳисоб рақамларида юз минглаб швед кронаси мавжуд бўлганлиги шубҳалик туюлганди. Бугун улар томонидан номи келтирилган иш берувчилари судда гувоҳлик кўргазмаси берди. Бу эр-хотинлар ундан қарз сўрашган экан. “Бу пуллар мактабгами, ёки бошқа жойгами кўрсатиш учунгина мўлжалланган экан. Ва сўнгра улар бу пулларни қайтариб бериши”, – дейди у. Гумонланувчи эр-хотиннинг қатъий тарзда билдиришганларига кўра, бу талабалар учун одатий ҳол ва одатда Шве-

цияда яшаш ҳуқуқига эга бўлиш учун талаба маълум миқдор пулни қарз сифатида олиб ўзларининг банкдаги ҳисобларига ўтказишади. Шундан кейин улар миграция бошқармасига кўрсатилади. Судда кўргазма берган гувоҳ шу каби қарз бериш фаолияти билан шуғулланганлигини тасдиқлади. “Сиз бошқа бир қанча одамларга ҳам шу сингари сохтакорликда кўмаклашганмисиз?”, – сўради ундан адвокат Ян-Оке Нюстром (Jan-Åke Nyström). “Ҳа, яна бир шахс 70 минг крона қарз олди.” – жавоб берди гувоҳ. Сўроқ давомида гувоҳ бу гумонланувчи эр-хотинга иш берувчи бўлганлигини инкор этди. “Улар сизда ишлаганликларини қайд этишди”, – таъкидлади прокурор Кристер Петерссон (Kristen Petersson). “Бу нотўғри маълумотлардир”, – жавоб берди гувоҳ. “Аммо сиз уларнинг банк ҳисобига бир неча марта турли миқдорда пул ўтказгансиз?”-сўровини давом эттирди прокурор. “Тўғри, лекин бу қарз эди, маош эмас”. Бугун судда гумонланаётган эркак у ва аёлининг Стромсунддаги имомнинг турар жойини аниқлаш учун гумонланувчи-жи-



ноятчига ёрдам берганини қатъий тарзда изоҳлади. “Мен унинг имомлигини билмасдим. Уйладимки, у бир салбий сифатга эга бўлган, қарз олиб бермай кетган ишбилармон фирибгардир.” – деди у. “Бизда катта миқдорда қарз олиб, агар уни қайтара олмаса Қозоғистон, ёки Россияга қочиб кетиш одат бўлиб қолган. Мен бу одамни 14 минг доллар қарзи борлигини эшитганимдан сўнг бу ишбилармон шериклар орасидаги аксарида учраб турадиган бир муаммо бўлса керак деб ўйладим. Маҳкама жараёни белгиланган вақтидан зиёд давом этди ва тагин бир кунга узайтирилди. Эртага судда имомнинг ўғлининг кўргазмаси, ҳамда прокурор ва адвокатларнинг якуний хулосалари тингланиши кутилмоқда.

“Ostersund posten” газетасидан
Тўлқин Қораев таржимаси

Бугун (19 июль 2012 йил) Стромсунддаги суиқасдда иштирок этган деб гумонланган ўзбекистонлик эр-хотин ҳибсдан озод этилди. Бу ҳақида суднинг қарори келгуси ҳафта эълон қилинади, уларнинг ҳибсдан озод этилганлиги шуни кўрсатадики уларнинг бутунлай оқланиб чиқишлари кутилмоқда. “Ман буни бошқа хил изоҳлай олмайман”, – дейди гумонланувчи

Jan-Åke Nyström). Менинг мижозим ҳамма деталларни ишонарли қилиб ҳақиқ қилди. У бирор суиқасд учун тайёргарликка ҳисса қўшаётгани ҳақида ҳеч нарса билмасди. Буни тасдиқлаб бўлмайди. Назария жуда кўп, аммо исбот йўқ”. Эрик Боберг (Erik Boberg) ҳам ўзининг мижозини озод этилишини кутганди. У мижози озод этилганидан сўнг аёл билан гаплашган.

паспортига эга 35 ёшлар чамасидаги гумонланувчи жиноятчи ҳали ҳам озодликда. Унинг излари Москвада йўқолган. Олиб борилган кенг камровли суриштурув, текширув эр-хотин бу гумонланувчи жиноятчи билан жуда ҳам кўп алоқада бўлганини кўрсатди. Улар унга машина ва яшаш жойини ижарага олишга ёрдам берганлар. Улар интернет орқали имом ҳақида

АЙБЛАНУВЧИ ЭР-ХОТИН ШАРТЛИ РАВИШДА ОЗОД ЭТИЛДИ

эркакнинг адвокати Ян-Оке Нюстром (Jan-Åke Nyström). Аёл ҳимоячиси Эрик Бобергнинг (Erik Boberg) жавоби ҳам шундай. “Ҳибсдан озод этилишибдими, демак улар оқланади. Менинг изоҳим шундай”, – дейди у. Судья Марит Окерхольм (Marit Åkerblom) қарорни изоҳлашни истамади. “Маҳкама қарори 26 июль куни ўқилади ва унганча биз қандай муҳокама қилиб бир тўхтама келганимизни сир сақлаймиз”, – дейди у. Остерсундда беш кун давом этган суд жараёни кеча тугади Прокурор Кристер Петерссон (Kristen Petersson) уларга 8 йиллик қамоқ ва мамлакатдан чиқариб юбориш жазоси берилишини сураганди. Энди кўринишидан маҳкама уларни бутунлай оқлаб юборди. “Бу биз учун кутилмаган ҳодиса эмас”, – дейди Ян-Оке Нюстром (



“У ҳаддан ташқари бахтли, аммо ҳайрон эмас. У озод бўлишини кутганди” Ўзбек имоми Обид қори Назаров Стромсунда ўзининг уйи подъездда отилганига ҳам 5 ойдан ўтди. Унга оғир тан жароҳати етказилди ва ҳали – ҳамон ҳушига келгани йўқ. Шу йилнинг 15 май кунида бир ўзбек эр-хотин қўлга олинди. Россия

маълумот йиғганлар. Улар Стромсундга сафар қилиб имомнинг жойини аниқлаганлар. Буларнинг ҳаммасини улар ўз бўйинларига олдилар. Аммо улар ҳамма вақт бу ишларни билмасдан қилганликларини ва улар алданганликларини айтиб, ўз сўзларида каттик туриб олишди. “Бу ерда унинг мақсадини исботловчи бирор далил йўқ”. – дейди Эрик Боберг (Erik Boberg), – “Нимага аралашиб қолганини сезгандан кейин у компьютердаги маълумотларни йўқ қилиб ташлаган”. “Ostersund posten” газетаси прокурор Кристер Петерссондан изоҳ олишга муваффақ бўлолмади.

Торд Андерссон
“Ostersund posten” газетасидан
Тўлқин Қораев таржимаси.



Шеърят ҳақида гапирар экансан, имкон борича, танкидчиликда удум бўлган атамаларни чеклаб ўтишни истайсан. Зеро, аксарият ҳолларда шеърлар ўз ҳолича, уларга тақилган ёрликлар ўз ҳолича яшайдилар. Яъний, ёрлик – шеърнинг талқини эмас. Янада кучайтириб айтадиган бўлсак, ёрлик нафақат шеърнинг талқини эмас, балки, унинг ўзи шеър бўлишга интилаётган мустақил субстанциядир. Шу маънода ўз танкидчи мақолаларини бадиий асар сифатида тақдим этишга интилиб келган рус танкидчиси Лев Анненский кайфиятини тушунса бўлади. Аммо шуни ҳам тан олиш керакки, биз барибир ёрликларсиз яшай олмаймиз. Ёрликларни ҳимоя қилиб, яна шундай деймиз: инсоният ўйлаб топган барча сўзлар ёрликлардан бошқа нарса эмас. Колумбиялик ёзувчи Гарсиа Маркес асаридаги бир лавҳани тасаввур қилинг: хотира-сизлик касалига мубтало бўлган бир ўлкадаги барча нарсаларга уларнинг номлари ёзилган тахтачалар осиб қўйилган бўлади... Хуллас, биз танкидчи-лигимиздаги ёрлик қўйиш санъати ҳақида, ёки аниқроғи, ҳар қандай ёрликларни ўзига юқтирмай, эркин қола билган истеъдод ҳақида сўз юритмоқчимиз. Янги ўзбек шеърятининг, яъний, советлар даврида юзага келган шеърятнинг илдизлари асосан классик адабиётимизга эмас, балки кўпроқ советлашган рус адабиётига бориб тақалади. Гап фақат аруз ёки рубойининг ўрнини бармоқ ёки оқ шеър эгаллаганида, яъний, шаклда эмас, балки, асарнинг моҳиятидаги турланишларда ҳамдир. Совет даврига келиб, ўзбек шеърятини муболағига қурилган интим-фалсафий заминдан, жимжималардан ҳоли, ерга анча яқинроқ бўлган ижтимоий заминга кўчди. Ўзбек шеърятининг янги қахрамони илгаригидай ўз туйғулари ортидан кўкка эмас, балки, жамиятга қарай бошлади, Шу маънода ўзбек адабиёти европалашган адабиёт эди. Бў ўринда 80 йиллар бошида ўзбек танкидчилигида пайдо бўлган “Ғарб таъсири” ҳақидаги гаплар, фақат коммунистик идеология софлиги учун жон куйдираётган “адабиёт посбонлари”нинг гаплари эди, ҳолос. Ўзбек адабиётига 70 йилларнинг ўрталарида кириб келган Муҳаммад Солиҳ шеърларига айнан мана шундай тамға босиш учун кўп ҳаракатлар қилинган эди. Ўзбек танкидчилигининг баъзи намоёндалари

эса, Муҳаммад Солиҳ ижоди ҳақида “Шеърингизни тушунтириб беринг”, дея мақолалар ёзди. Ғарб ҳақидаги тасаввурни ҳаминқадар бўлган бундай мунаққидларга жавобан Муҳаммад Солиҳ ўз мақоласида “Ғарб қозонинг фақат қораси эмас. таоми ҳам бор”, дея ёзди. Унинг “Бу Ғарб эмас, ўзимизнинг Шарқ” номли машҳур кинояли шеъри ҳам адабий калтабинликка берилган яна бир жавоб бўлди. Йўқ, Муҳаммад Солиҳ асло Ғарбни тарғиб қилмади, аксинча, Ғарб шеърятининг осмондан тушмаганини, балки, унинг асосларида аслар мобайнида Шарқдан кириб борган фалсафа ва мажозлар ётганини тушунтиришга ҳаракат қилди. Мабо-до, Ғарбдан Шарқ томон нималардир келаётган бўлса, бу, шубҳасиз, Шарқ овозининг акс-садоси эканлигини уқтиришга урунди. Хусусан, Ўрхон-Енисей битикларидаги шеърини намуналар бугунги “модерн” шеърятнинг

МИЛЛАТ ШОИРИ

кўриниши эканлигини эътироф этди. Аммо шу билан бирга Муҳаммад Солиҳнинг оддий ўлчовларга сиғмайдиган истеъдод эканлигини тезда илғаб олган Озод Шарофидинов каби йирик мунаққидлар ҳам бор эди. Кўпчилик ўртамаёна филологлар эса, Муҳаммад Солиҳ ижоди ҳақида ёзишдан ўзларини тиярдилар. Чунки, улар учун бундай ҳаракат фақат ўз лаёқатсизликларини фош қилиш билан яқунланарди. Хуллас, Муҳаммад Солиҳ ижоди ҳақида жуда кўп баҳсу-мунозаралар, тортишувлар бўлди, аммо биронта ҳам мунаққид унинг ижодини системали равишда ўргана олмади. Чунки, бундай кенг миқёс ва айни пайтда бекиёс интимлилик, максимализм ва шаффофликка кўз ўрганмаган эди. Муҳаммад Солиҳ ижоди ўзбек танкидчилигида фақат фрагментар тарзда ёритилди. Унинг ҳар бир шеъри, ҳар бир китоби ҳақида алоҳида-алоҳида мақолалар ёзилди. Аммо бу асарларга умумлаштирувчи нуктаи-назардан қарашга негиз ҳеч ким журъат қилмади. ҳолбуки, шундай нуктаи-назардан қараб, бу ижодга баҳо бериш эҳтиёжи бор. Бу эҳтиёж ўзбек адабиётшунослиги ичига анчадан бери ётибди. Муҳаммад Солиҳ ижоди ҳақида гап кетар экан, унинг фақат шеърятдаги новаторлиги ёки ўзига хос мактаб ярага билганлиги ҳақидагина эмас, балки, унинг ўзбек адабий ва ижтимоий онгида янги йўналиш ва кутобларни очганлиги ҳақида ҳам мушоҳада юритиш лозим бўлади. Муҳаммад Солиҳнинг энг кичик асарларида ҳам янгича фалсафа, янгича характер, янгича ифода этиш услуби ва ҳатто янгича кадрларни кўриш мумкин. Бу янги кадрлар нафақат унинг сатрларида бекинган нозик ташбеҳ ва ғояларида, балки, унинг сўзга бўлган фавқуллодда муносабатида ҳам зоҳир бўлди.

Муҳаммад Солиҳ ўзининг програм шеърларидан бирида шундай ёзади:

Мен сўзларни енгиб яшайман,
Ишим шундай – сўзларни енгмоқ.
Қорни тўқ, Боши бўш, Мешчан
сўзларни Агар сен ҳам енгмоқчи
бўлсанг, Уларни айтма бир иложини
топ. Лаззатлана бил, Айтмай, чидаб,
яшаганиндан,,,”Булар-чи?” дейсан-
ми? Бу сўзлар-мени енгган сўзлар,
Илож йўқ..

Сўзларни айтмай – енгиш, ўзбек совет адабиёти учун мутлақо янгича кадрият эди. Чунки, шу пайтгача ёзувчиларимизнинг аксарияти “сўзни енгиш”, деганда, айнан бу сўзни айтишни, у ҳақда жар солишни тушуниб келар эдилар. Шу билан Муҳаммад Солиҳ ўзбек адабиётига пауза санъатини олиб кирди. Бу пауза, яъний, сукут, ўқувчи тафаккури учун, шоир томонидан эҳтиром ила бўш қолдирилган ўрин эди. Бундай фавқуллодда хурмат, шубҳасиз, ўзбек ўқувчисини анча нозиклаштирди ва ўстирди. Ундаги ижодга бўлган ҳавасни оширди. Муҳаммад Солиҳнинг илк китобларидаги чуқур лиризмга орқаворатдан “хонанишинлик”, “ўз қобиғидан чиқа билмаслик”, деган айбномлар қўйишга урунганлар ҳам бўлди. Муҳаммад Солиҳ уларга жавобан, “одамлар ўз қобиғига қира олмай сарсон юрибди-ю, сиз мени ўз қобиғимдан чиқишга даъват этасиз”, дея ёзди. Мазкур танкидчи ва ёзувчилар “ўз қобиғидан чиқиш”, деганда энг аввало тузумга мадҳия ўқишни, халқнинг порлоқ коммунизм йўлидаги шонли меҳнатини улуғлашни назарда тутар эдилар. Уларнинг “хонанишинлик”ка қарши йўналган қаҳр-ғазаби ортида ҳам мана шу ижтимоий-сиёсий буюртма ётарди. Энг кизиги шундаки, ўзбек совет адабиётининг асло “хонанишинлик”да гумон қилиш қийин бўлган кўпчилик машҳур ва совриндор ёзувчилари асарлари, ўзга тилларга таржима қилинганида мутлақо ҳимоясиз, ночор аҳволда намоён бўлардилар. Ҳолбуки, ушбу совриндор ёзувчилар хизматида Совет Иттифоқининг энг яхши таржимонлари ҳозир-нозир эди. Буни – фақат советлар даврида шаклланган адабиётимиздаги умумий савиянинг дунё адабий савияси қошидаги ночор аҳволи билангина изоҳлаш мумкин. Хусусан, ўзбек адабий жамоатчилигида “миллийлик – фикрга дўппи кийдиришдан иборат”, деган тушунча кенг тарқалган эди. Бундай тушунчага “Ғарбнинг ёмон таъсири” ҳақидаги атайлаб яратилган кўрқув ҳам дастакчи бўлиб хизмат қиларди. Хуллас, миллийлик никоби остида, аслида эса, миллий руҳни тўла инкор этувчи, яъний, уни бузиб қўрсатувчи бир қатор буюртма асарлар яратилдики, бундай асарларнинг ўзга халқлар томонидан яхши қабул қилинмаслиги табиий ҳол эди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Яъний, ушбу ёзувчилар ланъатлаган “хонанишинлик”, айнан уларнинг ўз ижодларида тантана қилар эди. Мухаммад Солихнинг энг миллий, энг специфик кўринган, халқ мажоз ва маталларига йўғрилган шеърларида ҳам умум башарий қадриятлар ётади. Zero, ҳақиқий миллийлик асослари муқаррар равишда умуминсоний

МИЛЛАТ ШОИРИ

қадриятларга бориб такалади. Хуллас, Мухаммад Солих ижоди тимсолида ўзбек адабиётшунослари қошида ўрганилмаган улкан бир дунё турибди. Албатта, унинг ижодини таъқиқлайдиганлар доимо бўлган. Мухаммад Солих ижоди советлар даврида ярим таъқиқ остида сақланган

бўлса, бугунги мустақил Ўзбекистонда унинг ижоди тўла таъқиқлангандир. Аммо, адабиёт бундай ўткинчи воқеликка бўйсунма олмайди. Адабиёт қарвони гоҳ зоҳир, гоҳ ботин тарзда ўз йўлида давом этаверади. Шундай эмас экан, демак, бу адабиёт, оғир хасталикка дучор бўлган адабиётдир.

Максуд Бекжон



“Московский Комсомолец” газетасида ўрин олган бир мақолага кўра (centrasia.ru) АҚШ Ташқи Ишлар Вазири Клинтон хоним Мисрга расмий визит билан борган ва бу давлатнинг янги сайланган Президенти Мухаммад Мурсий билан музақоралар ўтказган. Клинтон хоним АҚШ Миср халқи фидокорлик билан қўлга киритган демократик жараёнларни қўллаб қувватлайди деган. Мақолада АҚШ маъмуриятининг ва ҳозирда Мисрда иқтидорга келган исломий “Ихвони муслимин” ҳаракатининг ўзаро муносабатлари унчалик қулай бўлмагани, лекин

АҚШ “ИХВОННИ” Қўллаб қувватлайди

АҚШ бу ҳаракатни ҳеч бир замон террорист ҳаракатлар рўйхатига киритмагани таъкидланади. Клинтон хоним Миср сиёсатига бўлар бўлмасга бурнини тикаверадиган бу мамлакатнинг ҳарбийлариға ўзларининг асосий вазифаси бўлган “ҳарбий” ишлар билан шуғулланишни тавсия қилган. Шунингдек, АҚШнинг ҳозирда Туркияда иқтиқорда бўлган ва Тоййиб Эрдўғон тарафидан бошқарилаётган исломий илдизли “Адолат ва тараққиёт” партияси ҳукумати билан яхши алоқаларга эга эканлиги маълумдир. Шунини айтиш керакки, ўзимиздан чиққан радикал демократлар “Ихвон” каби ташкилотлар билан ва умуман мусулмонлар билан ҳар қандай муносабат ўрнатишга тиш тирноқлари би-

лан қаршидирлар. Демократлар ичида ҳам радикаллари бўлади, дейсизми? Мана бу линкни http://www.harakat.net/actual.php?id_topic=9&id=169 очсангиз, уларнинг башарасини таниб оласиз. Бу радикал демократлар шунчалик демократки, бемалол Туркияда ва Мисрда ҳарбийларнинг давлат тўнтарини амалга оширишлари лозимлигини айтишдан тортинмайдилар. Яъни, улар Чили собиқ диктатори Пиночет ва Мисрнинг собиқ диктатори Хусни Муборакни ўзларига устоз, деб биладилар. Кейин яна демократия ҳақида оғиз кўпиртириб гапирдилар. Инсоният ичида бутун фитна ва фасодларни мана шундай қўй терисига ўранган бўриларнинг қижаришини асло унутмаслгимиз керак...

Намоз Нормўмин

Ўзбек-киргиз чегарачилари ўртасида бўлган отишма чоғида бир одам ўлгани ва икки одам яраланганини Қирғизистон расмийлари тасдиқлади. Қирғизистон Миллий ҳавфсизлик хизмати қошидаги Чегара хизмати расмийси Гулмира Бўрибоевнинг маълум қилишича, ўзбек ва кирғиз чегарачилари ўртасидаги отишма 17



киргизистонликларга карата ўқ отган. Қирғизистон чегарачилари ватандошларини ҳимоя қилиш мақсадида ўт очишга мажбур бўлган.

Қирғизистон Чегара хизматининг расмий версиясида мана шундай маълумот берилади.

Ўзбекистон матбуотида эса чегарадаги воқеа “киргиз чегарачиларининг

ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ ЧЕГАРАСИДА ОТИШМА: ҚУРБОНЛАР БОР

июл куни Жалолобод вилояти Олабука туманидаги Булокбоши қишлоғи яқинида жойлашган чегара худудида содир этилган. Отишма чоғида бир нафар кирғиз чегарачиси ҳалок бўлган, икки нафар кирғизистонлик ўқотар қуролдан жароҳат олган. Бу чегара худуди Ўзбекистон томонидан Наманган вилояти Чуст туманидаги Гава пунктида жойлашган. Гулмира Бўрибоева Ўзбекистон томонида ҳам ҳалок бўлганлар борлиги ҳақидаги маълумотлар ўрганилаётганини айтди. Расмий Тошкент ҳозирча бўлиб ўтган воқеага ўз муносабатини билдирмади. Ўзбек ахборот агентликлари Ўзбекистон томонидан “ЭСПЕРО” махсус отряди сержанти ҳалок бўлган ва бир чегарачи ярадор бўлган деган ахборотни ёйинлади. Uzmanetronom сайтнинг хабар беришича, 17 июл куни Ўзбекистон Чегара қўшинлари кўмондони, генерал-майор Руслан Мирзаев истеъфога

чиқарилган. Бироқ унинг истеъфоси чегарадаги воқеага боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги ҳозирча номаълум. Қирғизистон Чегара хизмати тарқатган маълумотда айтилишича, 17 июл куни Кўктош-Булокбоши автомобил йўлини таъмирлаш ишлари олиб борилган. Йўлининг бир қисми баҳсли худуд бўлиб ҳисобланган. Асосан маҳаллий аҳоли вакиллари билан иборат бўлган йўл таъмирчилари йўлнинг баҳсли худуддан ўтувчи қисмини ҳам таъмирлай бошлаган. Қирғизистон Чегара хизматининг маълум қилишича, маҳаллий аҳоли мазкур худуд баҳсли экани ҳақида таъмирчиларга огоҳлантириш берган. Аммо шунга қарамай, маҳаллий аҳоли ишни тўхтатмаган. Шундан сўнг кирғизистонликлар билан гаплашиш учун Ўзбекистон чегарачилари келган. Аммо ўртада даханакаи жанг бошланиб, ўзбек чегарачилари

провокацияси” сифатида баҳоланган. Яъни Ўзбекистон томони фикрича, ўқ отишни биринчи бўлиб 20 нафар кирғиз чегарачиси бошлаган. Мазкур фожеали воқеадан сўнг Қирғизистон Чегара хизмати раҳбари Зокир Тиленов Ўзбекистон Чегара хизмати раҳбари билан телефон орқали суҳбатлашди. Томонлар вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масаласини муҳокама қилган. Айни пайтда воқеа жойида тегишли ташкилотлар текширув-тергов ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара чизиғи бир ярим минг километрни ташкил қилади. Бу худуднинг 300 километри баҳсли бўлиб ҳисобланади. Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги тарқатган маълумотда айтилишича, йил бошидан бери Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасида тўртта жанжалли вазият содир бўлган.



Президентлик лавозимига сайлангандан кейин Сауд Арабистонига расмий сафар қилган Миср раҳбари доктор Муҳаммад Мурсий Маккага ҳам бориб умра ибодатини адо қилиб қайтди. Ҳарам масжидида фажр намозини ўқиётган имом куйидаги оятларни ўқиётганда Муборак ўрнига

СЕН, АЛЛОҲ ВАЪДАСИГА ХИЛОФ ҚИЛУВЧИ, ДЕБ ГУМОН ҚИЛМА

келган Мисрнинг янги Президенти йиғлади. Ва ўзига зулм қилганларнинг масканларига жойлашмадингизми? Сизга уларни қандай қилганимиз равшан бўлмадимиз? Сизга мисоллар келтирмадикми? ” Дарҳақиқат, улар ўз макрларини қилдилар. Ҳолбуки, уларнинг макрлари, гарчи макрларидан тоғлар заволга учрайдиган бўлса ҳам, Аллоҳнинг хузуридадир. Сен, Аллоҳ Пайғамбарларига берган ваъдасига хилоф қилувчи, деб гумон қилма. Албатта, Аллоҳ азиз ва интиком эгасидир.

(Иброҳим сурасининг 45, 46, 47, оятлари)
Бу лавҳа араб каналларидан дунёга тарқалган. Ва Мурсийнинг бу видео лавҳасини Твга чиқиши ўз раҳбарларини ёнига яқин йўлайолмаётган миллионлаб мусулмонларни ўз камтарлиги ва оддийлиги билан ҳайратга солди. Албатта, раҳбари бундай инсофли ва имонли бўлган қавм нақадар бахтлидир?! Ва шу каби раҳбарга лойиқ бўлаолиш бизни халқимизга ҳам насиб этсин!

Абутов. М.

Шимолий Афғонистонда ўрнатилган бомба ҳужуми бу ердаги хорижий кучларга ёқилги олиб кетаётган 22 та юк машинасини вайрон қилган.

Портлаш оқибатида улкан ёнғин чиққан. Ўзбекистондан келаётган юк уловлари шимолий Самангон вилоятида танаффус учун тўхтаб турган пайтда портлатилган. Расмийларга кўра, портловчи модда бир юк машинаси остида ўрнатилган бўлган. Аммо улар яқин тургани ва ёқилги олиб кетаётган боис кўплаб автомашиналар портлаб кетган. Ҳужум учун масъулиятни Толибон ўз бўйига олган. Лекин бу каби ҳужум шимолий Афғонистонда ҳали кузатилмаган эди. Ҳужум тонг саҳарда амалга оширилган ва ҳозир қурбонлар борасида аниқ маълумотлар йўқ. Лекин портлаш пайти у ерда кўплаб одамлар бўлган. Ҳали шанба куни айнан шу Самангон вилоятида Афғон ўзбеклари етакчиларидан бири бўлган қўмондон Аҳмадхон

АФҒОНИСТОН: ЎЗБЕКИСТОНДАН КЕЛАЁТГАН 22 ТАНКЕР ПОРТЛАТИБ ЮБОРИЛГАН



Самангоний ўз қизининг тўйида ўлдирилган эди. Жанубий Покистон таъминоти йўлида юк уловлари тез тез ҳужумга тутилгани ва Вашингтон ҳамда Исломобод муносабатлари таранглашиб қолгани боис, НАТО Ўзбекистондан ўтувчи шимолий таъминот йўлига эътиборини оширган эди.

Ўзбекистон йўли энг хавфсиз, деб кўриларди ва бу ердан ҳали НАТО кучлари чиқиб кетиши ҳам мўлжалланган. Шунингдек, Термиздан Мозори Шарифга қадар поезд йўли ўтқизишиб, ишга туширилди. Аммо ҳозирги ҳужум Ўзбекистон йўли ҳам қанчалик хатарнок бўлиб қолиши мумкинлигини кўрсатади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

Қадимдан халқимизнинг дурдона мақоллари минг- минглаб десак, бу мақоллар инсонларнинг ўз ҳаётларида укувсизлик, одобсизлик кўполлик аломатликлари бўлгани билан умуман баркамоллик томон интилувчи айниқса ёшларимизни тарбиялашда уларнинг ҳаёт формулалари эканини айтиб ўтиш керак. Халқимизнинг ҳар бир мақолидаги ўғитларни бу ёлғон дунёда золим ва ёвуз шохни ўз қўриқчиси чопиб ташлаганидан дейсизми, ёки бир умир оиласи учун яшаган жафокаш ва оддийгина бир оёғи гўрдаги қариянинг ўлими олдидан фарзандларини йиғиб уларга қилган васиятларида ҳам учратиш мумкин. Бугунги мақоллардан биттагинини олганда, унинг яхши қўшничиликка нима етсин, деётган-

ларга ибрат, ёки қўшнилари билан хар кун ит-мушук бўлиб яшаётганларга қалтак бўларди дегим келади. Чунки хар бир халқ мақолнинг қофиявий бадийлиги ва чуқур фалсафий маъносига бўлганидек, улардаги жумлаларнинг пишиқ ва чуқур мазмунли экани ва таъмир ва безакка унинг асло муҳтож эмаслигини ҳам кўраимиз. Бундай оддий мақоллардан бирида: “Яхши қўшнингнинг сенга туғишганиндан ҳам Яқин яшаётганини унутма, ёмон қўшнидан эса фақат кўчиб кутилсан” дейилган. Энди бу мақолдаги гапдан Туркистонимизнинг хар бир республикасини бир хонадон деб олганда, гўё маҳалладаги беш хонадондан бири зикна бой кишининг ўзи берган уч тўйида ҳам ўн кило гуручдан ош дамлаб, маҳаллада бойнинг хасисли-

ги ҳаммани ҳайрон қолдирмайдими дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг географик қулай ва ўртада жойлашганидан фойдаланган Каримов ҳам, фақат ўзбекларгина эмас, қўшни кардош халқлари ўртасига очикдан очик нифок солиб келаётган ўта хасис президент сифатида танилгани ўта ачинарли ва уятли ҳол деб ҳисоблайман мен. Кези келганда Каримовнинг бу улкан худудимиз халқларининг хартомонлама борди-келдиларини 20 йилдан бери атайин чигаллаштириб, бунга арзимаган нарсаларни рўқач қилиб, халқларинимизнинг эркин эмас, шунчаки инсоф юзасидан “эркинрок” юришларига бунчалик қаршилиқ қилиб азоб бериб келаётганига ҳайрон қоласанда дегим келади.

(Давоми кейинги бетда)

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Масалан тайёргина Туркманистондан ўтувчи Бухоро ва Нукусни боғлайдиган йўл турганда раҳматлик Сапармурод Ниёзов билан унинг кўрсатиб, аразлашиб қолгани учун Учқудук орқали шимолга янги темир йўл қурилишини бошлаб юборган эди. Ёки Бекобод ва Конибодом орқали Қўқон темир йўлини Имомали Раҳмонов билан келишолмагани учун ёпилиб, Қамчик довони реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Энди бўлса бундан арзон темир йўл қолиб, айниқса ёқилғининг қимматлашиб Бораётганига қарамай автомобил транспортига ўтишга мажбур бўлиб, янги қиммат иш бўлсада тоғни тешиб тоннел қилиб ва яна тоғдаги жиблажибон йўллардаги тошларни кесиб йўлларни камида икки марта кенгайтиришга мажбур бўлганимиздаги “юртбоши”нинг қайсарлиги Ўзбекистонга неча юз миллиард долларларга тушганини сиз ўйлаб кўрганмисиз? Олдинда Тожикистондан бунинг аламига ўч олишни мўлжаллаган Каримов пайтини пойлаб туриб хориж мамлакатларидан Тожикистонга келтирилаётган 130 вагон юкнинг 2011 йил кузидан бошлаб хозиргача ўтказмай, зуғум қилиб ушлаб тургани етмагандай, айнан бу вагонлар ўтадиган темир йўлни эскириб қолган баҳонаси билан бузиб ташлаётганига сиз нима дейсиз? Яна Каримовнинг тожик ва ўзбеклар орасидаги чегараларни бир ой оҳса, уч ой ёпиб қўйиб, иккала халқнинг бошига не азобларни бермоқдаки, чегара ёмғирдан сўнг кўзикориндай кўпайган чегара постларидаги товламачилик ва порахўрликни осмон баравар ошириб юборгани, бу икки халқнинг қуда-андачилигига ҳам, тўй маракаларга ўтиб келишни қўяверинг, яқин кишиларимизнинг ҳатто ўлимларига бориб келишлар постдаги тошжорак мулозимларига ялиниб виза олиш керак деб, ўткинчиларнинг чўнтақларини тамоман қоқиб олинаётганидан шикоятчиларга аҳамиятнинг умуман йўқлиги бу даҳшатку ахир! Каримовнинг бу хозир қозоқлар билан ҳам бошланган ва туркман, тожик ва ўзбек халқларининг чегара можараларидаги яқка ўзи қилаётган ўта қайсар ва инжиқликларидан халқларимиз чарчаб адо бўлмадиларми! Ўзи ўзбеклар ўз юртидаги ички чегараларидаги текширув постларидан ўтишдан безор бўлгани етмагандай, шундай курик ўзининг яқинлари тўйига ёки қари ота ва онаси вафотига ўтолмаса бу қандай мустақиллик, бу ахир зўравн Каримовнинг ҳаммамиз учун тайёрлаган қишанли қуллиги эмасми бродарлар? Хўш, минглаб хасталиқдан ва қашшоқликдан эзилган қариялар ва

момоларнинг қариганларида ўз яқин меҳрибонларини кўролмаб ўлиб кетиши, уларнинг бугунги кўз ёшига раҳмдил Оллоҳ ҳам гўё юз ўгиргандай, бўлиб турганда, бу золимнинг ўз билганидан қолмай келиши нимадан дарак? Бундай чидаб бўлмас президентларнинг барча қилаётган жиноятларини диктаторлар қиялди деб, уларга қарши курашинлар, муҳолифат кучлари ва инсон ҳуқуқлари ишини ва журналистларни қўллашимиз керак десаларда, кимнинг тили кескирок бўлса, улар ҳақиқатни айтганлари учун уларнинг бошлари кесилиб, ёки улар отиб кетилаётганига ва қотилларнинг хали биронтаси Эронда ҳам, Россияда ҳам Ўзбекистонда ҳам, ҳеч қаерда ҳечқачон топилмаслигига нималар сабаб, бунинг асосий сабаблари халқларимизнинг қонини сўриб йиғилган пуллардан ўз улушларини олган жаҳоннинг юқоридаги ўтирганлар диктаторларни ҳимоя қилиб қувватлагалари эмасми? Буни қаранг, Тожикистон билан чегаранинг кўп ерлари миналар кўмилиб бу миналардан молларига қарайман деган ўзбеклар ҳам тожикларнинг ҳам аёл ва болаларнинг ўлими давом этиб, қурбонлар сони 300 га яқинлаб бораётир ва яна бу камбағалларнинг мол ва сигирларни айтмаганда. Бундай бемаъни аҳмоқона ҳимоядан ўлиши керак бўлган душмандан халигача бирорта Ўлмабтику, бу миналардан ярадор ва ноғиронларнинг сони мингга яқинлаб бораётган бўлса ажаб эмас. Яна мавзўйимизга қайтсак, албатта Каримовнинг кўнглида заррача одамгарчилик бўлиб, ғайирлик бўлмаса эди, хозиргача тутиб турилган ўша вагонларни у аллақачонлар қўйиб юборган ва ундан сўнг Орқангда қолгур темир йўлни бузаверар эдинг. Энди вақти ўтиб, хали янги йўл қурилишгача сотиб олинган вагонлардаги маҳсулотларнинг баъзилари бузилиб, эгаси учун тансиқ қурилиш материаллари ва бошқа юкларнинг ўзингиз билган Ўзбекистон шароитларида уларнинг анча қисмлари талон-тарож бўлиб, вагон муҳирларининг бузилиб кетмаслигига қафолатни ким беради дейсиз? Бу вагонларнинг янги темир йўл битгунча бекор турса ва юклар узок тургани учун бузилиши ёки уларнинг ўғирлангани учун етказилган кўплаб зарарларни қоплаш учун оғзи катта Халқаро Судларнинг ҳукми чикса, бундай катта жарималарни яна кек сақлаган Каримовнинг орттирган олтинларидан эмас, аксинча бу пуллар Каримовнинг чексиз зулмларидан ва қашшоқликдан инграётган халқимиз чўнтағидан тўланадиган аниқ турган масала эмас деб ўйлайсизми? Каримовнинг атайин қилаётган бу “от ўйинлари” албатта нафакат қўшнилари, ўз иқтисодимизга ҳам катта зарарлар



Ёдгор турлибеков.

келтириб, ўз худудимиз ва бошқа тўрт республика темир йўллари алоқасининг кун сайин ёмонлашувига олиб келмоқда. Масалан Қаршидан Туркманистон орқали Термизга ўтувчи, Бухоро орқали Ашхобод, Бекободдан Конибодом орқали ўтадиган темир йўл ҳаракатининг яхшиланишига эришишда президентлар келишувларини атайин инкор қилиб келаётган ҳам албатта Каримовнинг Марказий Осийда худудидида гегемонлик қилишига уринаётган аҳмоқона сиёсатидаги унинг катта зарарқунанда ишларни севишидан битта намунадир. Шу ерда Каримов туфайли ҳар доим тортишувларга сабаб бўлаётган советлардан қолган кўп арзон темир йўлларининг атайин унинг қайсарлиги билан ёпилиб ишламагани худуддаги республикалар аро ўртадаги умумий иқтисодимиз белини ҳам майиб қилишга олиб келаётганини унутмаслигимиз керак. Чунки арзон ва қувватли темир йўл транспорти ҳаракати совет олимлари томонидан яхши ҳисобланган ва бу ўтган қарийиб бир аср давомида Ўрта Осий худудидида синаб кўрилган темир йўл қурилишлари ўзининг ниҳоятда барқарор ва оптималлиги билан ажралган арзон лойиҳаларнинг худудий линияси танланиб, бу худудда ортиқча янги йўллар қурилишига қарийиб ҳеч қандай хожат қолмаган эди. Аммо Каримов ўз мунофиқлик принциpidан қолмай, унинг қатор инжиқ ва қайсарликлари туфайли бошқа республикаларида ҳам қиммат автомобил ва темир йўл транспорти ишлари қийинлашиб қолгани учун, миллиардлаб долларга тушган неча минг километраб темир йўллар ва довоношар тоннеллар қуришларини бошлашга мажбур бўлаётганимизни ҳеч нарса билан оқлашнинг иложи йўқ. Яна мақолларимизга қайтсак ва доно халқимизнинг: “Ёмон қўшнидан доғ қолур”, ёки: “Ёмон қўшнидан фақат кўчиб қутилсан” деганларидек, ўзбекларнинг бола чақамнинг оқдан ўлмаслик чораси деб миллионлаб Ўзбекистондек гўзал ўз юртини тарк этаётганинига сабаб ҳам, бу халқнинг ўз қардош халқларига бўлган норозиликларини эмас, аксинча бунинг асосий сабаблари “азиз юртбошимизнинг” ўз халқига қилаётган катта “ғамхўрлик” эмас, балки узок йиллардан бери халққа унинг кўрсатиб келаётган “ҒАМ” ва “ХЎРЛИК” ларидан бошқа гап эмас, дейман.

НЕГА ЎРТА ОСИЁДА «АРАБ БАҲОРИ» БЎЛМАС ЭКАН?



Яқинда италиялик шарҳловчи Фабио Индео, Ўрта Осиёда Араб баҳори бошланмаслиги ҳақида ўз хулосаларини эълон қилди. Унинг фикрларини “Араб баҳори” Ўрта осиеда бошланиши амримахол” сарлавҳаси билан сайтимизда эълон қилдик. Қадрли ўқувчиларимиз уни ўқишганларига ишонгим келади. Ўша мақолада муаллиф, минтақада “араб баҳори”нинг бошланмаслиги сабабларидан бири, балки асосийси сифатида, “минтақадаги икки буюк давлат – Россия ва Хитойнинг манфаатлари ва стратегиясини ҳам илова қилиш лозим бўлади. Чунки улар, ўзлариининг иктисодий ва энергетик лойиҳаларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган Ўрта Осиёдаги бекарорлик – тартибсизликлардан жуда қўрқишадилар. Шунинг учун улар Ўрта Осиёдаги мавжуд ҳолатнинг сақланишини қўллаб-қувватлайдилар”, деб таъкидлайди. Мен кузатган ва Фабио Индеонинг бу фикрини асослашга қўшимча бўладиган ёки унинг аксини кўрсатадиган бир қатор фактларни ҳам қимматли ўқувчиларимиз ва Ҳаракатдаги сафдошларимиз диққатига ташлашни лозим кўрдим. Бу материалларни синсиклаб ўрганиш балки бизнинг келажак фаолиятимизда фойдаси бўлар, деб ўйлаяпман.

Россия матбуот воситаларида ўрин олган “Экспертлар: Ўрта Осиёдаги Россия базалари “ташки ўйинчилар” ҳисобига тугатилиш хавфи остида қолмоқда” номли хабарда Россиянинг Ўрта осиедаги “манфаати ва стратегияси” нималар билан белгиланиши жуда яхши кўрсатилган (хабарнинг оригинали билан <http://newsru.com/world/12jul2012/asia.html> адресда танишиш мумкин).

Россиянинг жуда муҳим ҳарбий аҳамиятга эга Габал радиолокацион станцияси бугун Озарбайжон ҳудудида ишлаб турибди. Бирок у кўп ўтмай Россиянинг қўлидан чиқиб кетадиган кўринаяпти.

Чунки Озарбайжон жорий йилнинг бошида ижара нархларини ўн мартадан ҳам кўпроқ оширишни талаб қилди. Шунингдек, Россиянинг Тожикистондаги 201-ҳарбий базасининг тақдирини ҳам жуда нозик ҳолга келди. Тожиқлар ҳам бу базанинг ҳудудларида яшашни давом эттиришлари учун бу йил 20 дан кўпроқ янги талаблар қўйишган. Масалан, сўнгги замонларда Тожикистон ва Россия орасидаги вужудга келган таранг муносабатлар Tageszeitung агентлиги шарҳловчиси Эльке Виндишнинг <http://www.inopressa.ru/article/13Jul2012/tagesspiegel/tad.html> адресда эълон қилинган “Тожикистон Россия билан жанжал чиқарди” номли материалда анча очик кўрсатилган. Масалан, Эке Виндиш, “дунёнинг энг камбағал мамлакатлари рўйхатида йигирмагалик ичида қолаётган Тожикистоннинг мудофаа вазири Ш. Хайруллаев, Москва билан шундай сасда сўзлашдики, бугунгача Россия вассалларидан ҳеч бири бундай қила олмаган эди”, деб кўрсатади. Шундай қилиб, Тожикистон ОДКБ яқиндагина ўтказилган йиғилишида Россиянинг Токистондаги базасидан фойдаланиш ҳақидаги шартноманинг Россия учун жуда қулай бўлмаган янги вариантини таклиф қилди.

Россиянинг Қирғизистонда ҳам анчагина йўқотадиган манфаатлари бор. Масалан, бу мамлакатда Россиянинг учта ҳарбий объектлари (аслини олганда, бу ҳудудда Россиянинг тўртта ҳарбий базаси бор) мавжуд. Россияда анчагина таъсир доираси кенг “Независимая газета” газетасининг хабарига кўра, Қирғизистон шу кунларда ўша ҳарбий объектларнинг ижара ҳақларини ошириш ҳақида Россия билан тартибишга киришган. Қозоғистон ҳам Россия учун иктисодий ва сиёсий жиҳатдан жуда муҳим ҳудуд ҳисобланади. Шу билан бирга сўнгги вақтларда Россия ва Қозоғистоннинг ўзаро муносабатларини ҳам рисоладагидек деб бўлмайди. Умуман олганда, Россиянинг Ўрта Осиё мамлакатлари

(аслида унинг вассаллари) билан муносабатлари йил сайин чигаллашиб, тобора бузилиш тарафга қараб кетмоқда. Уларнинг бу ҳаракатларида эса Москва “ташқий ўйинчиларнинг қўли”ни кўрмоқда.

Бир қатор халқаро шарҳловчиларнинг кузатишлари ҳам бу нуқтада Москва-нинг ташвишларини тасдиқлайди. Масалан, <http://newsru.com/world/12jul2012/asia.html> -да эълон қилинган хабарда қуйидаглар хабар қилинади: “Экспертларнинг кўрсатишича, иккинчи марта ОДКБ (ОДКБ) дан чиқиб улгурган Ўзбекистон, Россия ва АҚШ орасида елиб югураётган “ўз-ўзи билан ўйнаётган мушук”ни эслатади. Сўнгги вақтларда АҚШ ва Ўзбекистон бир-бирларига тўхтовсиз яқинлашмоқдалар. АҚШ ҳокимияти қирғизларни инсон ҳақ-хуқуқлари вазиятининг яхшиланиши бўйича мақтадилар ва НАТО кучлари Афғонистонни тарк этганидан сўнгра ҳарбий техниканинг бир қисмини уларга қолдиришни истаётганларини билдирди”.

Бугун Россия ва Ўрта Осиё мамлакатлари орасидаги вазиятни Россиянинг ҳарбийлари жуда нозик бир кўринишда ифодалашга уринишяпти. Ҳатто Россия қуруқликдаги қўшинлари бош қўмондони у ерларда қандайдир қуролли тўқнашувлар келиб чиқиши ҳақида башоратлар қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам бугунги бу вазиятни характердаш учун мисол сифатида Россия ва Ўзбекистон орасидаги муносабатларни кўрсатиш мумкин. Бир қатор шарҳловчиларнинг фикрича, бу икки мамлакат орасидаги муносабатлар бундан ўн йил аввалги ҳолига қайтди. Масалан, 2000 йилнинг бошида Тошкент Вашингтонга “жиддий муҳаббат” изҳор этганди. Аммо 2005 йил Андижон қирғинларидан сўнгра Москвага ялиниб келишга мажбур бўлганини ҳам яхши эслаймиз. Демак, Россия ва Ўзбекистон орасидаги бугунги илиқ бўлмаган муносабатлар, ҳатто бутун минтақадаги вазият, янги “Андижон” ёки “Андижон”лар содир бўлишигача давом этадими, деб ўйлашга тўғри келаяпти.

Борди-ю ростдан ҳам Ўзбекистонда ёки минтақада навбатдаги Андижон ёки Андижонлар бошланса, улар Ўрта Осиё баҳорининг бошланиши бўлмайди, деб тасдиқлашга ишонарли асослар кўрсатиш мумкинмикин? Фабио Индеонинг изоҳларини ўшандай асослар қаторига киритиш етарли бўладими?

Оллоҳ хайрлисини насиб этсин. ИншоОллоҳ, хайрлисини кўрармиз.

Алибой Йўляхши

ЭРДҶҒОН ҲУКУМАТДАГИ ПАРТИЯ РАИСЛИГИДАН КЕТАДИ



Бу ҳақда ўтган ҳафта Эскишаҳар партия фаоллари мажлисида қатнашган Тоййиб Эрдўғоннинг шахсан ўзи баёнот берди. Хўш, нега энди бу йилги қурултойда охириги марта Раисликка сайланиб, кейин бу лавозимга қайта сайланмоқчи эмас?

Бу саволнинг бир биридан чигал бир қанча жавоблари бор. 2014 йилда Туркияда президентлик ва маҳаллий сайловлар ўтказилиш керак. Эрдўғоннинг президентлик сайловларида номзод бўлиши кутилмоқда. Мавжуд Конституцияга кўра эса Президент бетараф, яъни партиясиз бўлиши ва фақатгина рамзий иқтидор билан кифояланиши керак...

Аммо Эрдўғонни ҳозирда бўлгани каби рамзий сиёсий кучга эга бўлган Президентлик қониктирмайди. Чунки ҳозирда Туркия бир ижтимоий сиёсий тузумдан, яъни Отатурк 20 аснинг бошларида асос солган дунёвий (секуляр) тузумдан бошқа тузумга ўтишга даврини бошдан кечирмоқда. Аммо бу янги тузум қандай тузум бўлади, бу ҳақда на давлат раҳбарлари, на да фуқоралар аниқ тасаввурга эга эмасга ўхшайди. Эрдўғоннинг ўзи янги қурилажак тузумни “Тараққий қилган демократия” (Türkçe “İleri Demokrasi”), дея агаётган бўлсада, аммо бу тузумнинг эски тузумдан нимаси билан фарқ қилиши ҳақида аниқ фикрларни ҳалигача очик ойдин ўртага ташламади.

Янги тузумнинг қандай бўлиши ҳозирда Туркия Буюк Миллат Мажлисида (Парламентда) махсус гуруҳ томонидан янгидан ёзилган Ассосий Қонунда (Конституцияда) ўз ифодасини топади, дейиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Чунки янги Конституцияда Туркиянинг давлат тузумининг дунёвийликка асосланиши қондаси ўзгартирилмаслиги мумкин. Аммо бу қоида Отатурк даврида бўлгани каби давлатнинг диндан ажратилиши эмас, давлатнинг турли дин вакиллари тенг муносабатда бўлиши, дея изоҳланиши ҳам мумкин. Бунинг далили Эрдўғоннинг партияси иш бошига келган сўнгги ўн йилдан кўпроқ вақт ичида Туркияда давлатнинг диндор аҳолига бўлган сиёсатида жиддий ўзгаришлар бўлганидир. Масалан, ҳозирги кунда ҳижобли қизлар бема-

лол олий даргоҳларда ўқиш имконини қўлга киритганлар. Шунингдек, бу ўқув йилидан эътиборан давлат мактабларида Куръони Карим ва Муҳаммад (сав) ҳаёти дарслик сифатида ўқитила бошлайди...

Бу ислохотлар албатта Туркияда эски режимнинг янги режим билан алмашгани маъносини билдирмайди. Бу фақат юқорида таъкидлангани каби мавжуд тузумнинг бир шаклдан иккинчи шаклда ўтишидаги айрим ислохотларни билдиради, холос. Мавжуд тузумни ўзгартиришда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги омиллар муҳим роль ўйнайди. Ички сиёсатда сиёсий тизимни ўзгартириш, иқтисодни барқарорлаштириш, сиёсий кучлар мувозанатини мавжуд ҳукуматга зарар бермайдиган шаклга келтириш асосий омиллар ҳисобланади. Сиёсий тизимни ўзгартириш Туркия парламентари режимда қолиши керакми ёки тўлақонли Президентлик бошқарувига ўтиши керакми, деган масалага бориб тақалади. Ҳозирда Туркия сиёсий жиҳатдан парламентар Руспубликадир. Яъни, ҳокимият парламент сайловларида голиб бўлган партия қўлга ўтади. Бу партия парламентда кўпчиликни қўлга киритгандан кейин мамлакатда ўзи истаган сиёсатни амалга оширади. Бу сиёсий тизимда Бош Вазир асосий сиёсий шахсият ҳисобланади. Президент ким бўлишига ҳам амалда Бош Вазир Қарор беради. Президент эса фаол сиёсат олиб бормади, фақат рамзий сиёсий мавқега эга бўлади...

Аммо Эрдўғон Президентликка сайлангандан кейин фақатгина рамзий давлат бошлиғи бўлишни истамайди, албатта. У Президент бўлгандан кейин ҳозирда бўлгани каби фаол сиёсат олиб боришни, яъни мамлакатнинг амалдаги “хўжайини” бўлишни истайди. Бу фақатгина Бош Вазир Эрдўғоннинг истаги эмас, унинг партияси ҳукуматга келгандан кейин мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг тўхтаб қолмаслиги учун шарт ҳамдир. Шу мақсадда Тоййиб Эрдўғон ишни аввал ўз партиясини тафтиш қилишдан бошлади. Чунки у билан бирга 70 яқин сиёсатчи 2014 йилги парламент сайловларида иштирок эта олмайди. Бу тажрибали сиёсатчиларнинг ўрнини янгилари билан тўлдириш мақсадида Эрдўғон ўзининг эски сафдоши Нўъмон Қуртулмиш тарафидан тузилган Халқнинг Овози партиясини ўзининг партиясига қўшилишга даъват қилди. Яқинда бу икки партиянинг бирлашиши кутилмоқда. Шунингдек, Эрдўғоннинг олдин Тўғри Йўл партияси Раиси бўлган таникли сиёсатчи Сулаймон Сойли ва ҳатто марҳум Бош Вазир, Эрдўғоннинг устози Нажмиддин Эрбокониинг ўғли Фотиҳ Эрбокони ҳам ўз партияси даъват қилиши

ҳақида хабарлар тарқалди. Маълумки, Тоййиб Эрдўғон ҳукуматни бошқарган бу сўнгги 10 йилда асосан мухофазакор инсонлар, яъни Туркия жамиятида “исломчилар”, дея аталадиган оддий мусулмонлар ва улар томонидан асос солинган турли жамоат ва тарикотлар вакиллари тарафидан қўллаб қувватланиб келинди. Бу жамоатлар ичида энг таъсирлиси машҳур имом Фатҳуллоҳ Гулан жамоатидир. Айтиш керакки, кейинги вақтда бу жамоат билан Эрдўғон ҳукумати орасида “қора мушук” ўтганлиги ҳақида ишоратлар бор. Масалан, жамоат таъсирида бўлган прокурорлар МИТ (биздаги Миллий Хавфсизлик Хизмати) Раисини қурд сепаратистлари билан музокара олиб борганликда айблаб, терговга тортишга ҳаракат қилишди. Бу ишга шахсан Эрдўғоннинг ўзи аралашди, парламентда бундай юқори лавозимли мансабдорларни фақатгина Бош Вазирнинг руҳсати билан терговга тортиш ҳақида қонун чиқарилди. Эрдўғон бу масалада бир ТВ дастурида “бу журъаткор терговчилар истаса келиб мени сўроқ қилишсин”, дейишгача борди. Ҳукумат ва жамоат орасидаги муаммоли вазиятга далил сифатида Эрдўғоннинг ҳозирда АҚШда яшаётган Фатҳуллоҳ Гуланни Туркияга қайтиб келишга даъват қилганини, аммо имом бунни рад қилганини ҳам айтишимиз мумкин...

Туркия сиёсатида таъсир қилаётган ташқи омиллар масаласига келадиган бўлсак, буларга мисол сифатида аввало сўнгги сиёсий жараёнлар натижасида Туркиянинг Сурия, Ироқ, Эрон ва Русия билан муносабатларида совуқлашув майдонга келганини, Оврупо Иттифоқига аъзо бўлиш масаласи эса охири кўринмайдиган мавҳумликка тушиб қолганини айтишимиз мумкин. “Араб баҳорининг” мевалари ҳали Туркияга сезиларли ёрдам бермагани ҳам бир ҳақиқатдир. Ушбу айтилганлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, Туркиянинг яқин тарихида Отатуркдан кейин энг катта ислохотчи унвонига номзод бўлган Бош Вазир Тоййиб Эрдўғоннинг ишларининг унчалик осон эмаслигини тушуниб олишимиз мумкин. Унинг мамлакатда янги тузум қуриш учун қилаётган саъий ҳаракатларининг натижалари аввало Эрдўғоннинг мамлакатдаги исломий кучлар орасида иттифоқга эришишига ва ташқи сиёсатда “Араб баҳорининг” Туркияга келтирадиган фойдаларига боғлиқ эканлигини айтишимиз мумкин. Бу ерда Эрдўғоннинг фойдасига бўлган ягона омил эса, унинг яна қаида 10 йил Туркиянинг Бош сиёсатчиси сифатида фаолият олиб бориш имкони борлигидир. Бош Вазир сифатида эмас, 2014 йилдан эътиборан Туркия Жумҳуриятининг фаол Президенти сифатида...

Намоз Нормўмин

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Махмуд Ҳайитов: Уйлайманки, шунинг ўзи етарли... биз билиб оламиз... Алло.

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа. Агар сиз бу ҳақда хабар топмасангиз -чи?

Махмуд Ҳайитов: Қанақасига “хабар топмаймиз”? Бу бизга ўша заҳотиёк маълум бўлади. Мана, қара, ҳозир “Хужжат” эгалари “Хужжат”нинг йўқолгани ҳақида гапираяптилар-ку...

Баҳром Мўминоҳунов: Улар йўқолди, деяётганлари йўқ, улар “у аллақачон йўқ”, дейишмоқда... Шундан гап кетса, Махмуд ака, мен нима қилай, Қандай ҳаракат қилай?

Махмуд Ҳайитов: Кулоқ сол, бизда бу ерда “Хужжат” йўқолса, ким у

Махмуд Ҳайитов: Нега ишонишмайди?

Баҳром Мўминоҳунов: Ишонимаяпти, улар айтишяпти-ки: улар келишмайди, “Хужжат”ни кўришмайди, дейишяпти. Биров келсин, Дилшод келсин, бировга айтинг...

Махмуд Ҳайитов: Мен сенга яна тушунтирман, ҳеч ким у ёққа бормайди. “Хужжат”ни топишганда шахсини аниқлашади, тушнаяпсанми йўқми?

Баҳром Мўминоҳунов: Тўғри, Ҳа...

Махмуд Ҳайитов: Ва тамом, воқеа бўлган жойга кетиб, ҳаммаси расмийлаштирилади, тўғрими? Ва расмий қариндошлари сўрашади “бизга қайтаринг, биз уни қоида бўйича кўмишимиз керак”, деб, тўғрими?...

миллионни беришмоқчи бўлишган, бир миллиони чеченларга, колганини ўзлари бўлиб олмоқчи бўлишган. Тенгиз Гудава: Яъни, улар 1 миллион долларни ўзаро бўлиб олишмоқчи бўлишган? Ботир Турсунов ва Махмуд Ҳайитов?

Муҳаммад Солиҳ: Ҳа.

Тенгиз Гудава: Миллионни чеченларга бермоқчи бўлишган?

Муҳаммад Солиҳ: Чеченларга, энди миллион эмас, чунки, 135 минг доллар аллақачон тўланган бўлган...

Тенгиз Гудава: Муҳаммад, шундай савол, демак, чеченлар – мана бу одамлар, яъни, Алматы, Турсунов ва Ҳайитовлар уларга сизга қарши суиқасд уюштиришни таклиф қилганлари заҳоти бу ҳақда сизга

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

ерга кетади, буни биласан, тўғрими?

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа, албатта.

Махмуд Ҳайитов: Мана, мана шунинг ўзи етарли, Хужжатни топсалар бўлди. “Хужжат”ни топиб, кимга қарашли эканини аниқлайдилар.

Баҳром Мўминоҳунов: Бу хужжатнинг бизга етиб келишига ким гарантия беради? Бу хужжатнинг борлигини қандай биласиз?

Махмуд Ҳайитов: Бу ҳақда эртасига ёқ айтишади анови нимадан...

Баҳром Мўминоҳунов: Махмуд ака, вазият шундай: улар ҳозир менга шундай дейишяпти: ҳеч нарсанинг кераги йўқ, пул ҳам керак эмас, ҳеч нарса керак эмас, сиз ҳалол одам эмассизлар. Биз ишимизни 150 фоизга бажардик дейшмоқда. Менга айтишяптики, улар истамайдими – демак, кераги йўқ...

Махмуд Ҳайитов: Але...

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа, эшитаяпман...

Махмуд Ҳайитов: Мен сенга хужжат ҳақида гапирганда одам ҳақда гапираяпман, тушнаяпсанми?

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа, мен тушунманан, албатта.

Махмуд Ҳайитов: Мен сизларга биронта хужжат келсин, деётганим йўқ. Маълум масъул органлар ўша жойга боришади ва топишади, тўғрими?

Баҳром Мўминоҳунов: Шундай...

Махмуд Ҳайитов: Масъул органлар шахсини, кимлигини аниқлашади, бу... бизда милиция, у ёқда полиция, тўғрими?

Баҳром Мўминоҳунов: Шундай. **Махмуд Ҳайитов:** Кўздан кечиришади, сен фақат унинг топилиганини айт ва мен ўзим биламан қандай хабар олишни, сен фақат телефон қил-да айт: “Тамом, “Хужжат”ни топишди”, десанг бўлди. Мен ўзим биламан буни қандай текширишни.

Баҳром Мўминоҳунов: Биров келсин, Махмуд ака, улар бу нарсга ишонимаяпти. Мен уларни ишонтирмаяпман. Улар “бу ишни қиламиз” дейишяпти, аммо бунга ишонимаяпти.

Але...

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа, Ҳа.

Махмуд Ҳайитов: Бу “Хужжат” қаердадир абадий ётмайди-ку, ахир, тўғрими? Уни эгаларига топширишади, эгалари уни сейфга кўмишлари учун!..

Баҳром Мўминоҳунов: Ҳа.

Махмуд Ҳайитов: Умуман, вазият...

Баҳром Мўминоҳунов: Умуман, улар айтишяптики: “кераги йўқ, биз ўзимизнинг ҳаракатимизни қиламиз, сиздан ҳеч нарса керак эмас”, дейишяпти.

Махмуд Ҳайитов: Кулоқ сол, мен уларни тушунмаяпман, агар одамлар бу ишни қилаётган бўлса...

Баҳром Мўминоҳунов: Улар бу ишни қилишга тайёр... аммо бир гап бўлди, икки гап булди... шарт ўзгараяпти, улар кимдир келсин, дейишяпти. Рустамни жўнатиб юборинг, мен у билан расмга тушай, Дилшод расмга тушсин, эртага бу нарса яна 30 марта эълон қилинади, биз ўзимизнинг устимиздан ҳукм чиқараяпмиз, биз ўзимизнинг устимиздан ҳукм чиқараяпмиз....

Махмуд Ҳайитов: Кулоқ сол, мен бу ердагиларга шундай тушунтирсам, улар... “улар ишни қиламиз, деб бўйнига олишди, энди бу уларнинг проблемаси”, дейишмоқда.

Баҳром Мўминоҳунов: Майли бўлмаса...

Махмуд Ҳайитов: Хўп.

Тенгиз Гудава: Бу Баҳром Мўминоҳунов ва Муҳаммад Солиҳни ўлдиршни буюртма қилганлардан бири, Ўзбекистон Интерполи директори Махмуд Ҳайитов ўртасида бўлиб ўтган телефон суҳбати эди. Яна бир марта аниқлик киритаман: Суҳбатдошлар назарда тутаётган “Хужжат” – бу Муҳаммад Солиҳ эди.

Мана, тайёрланган суиқасд ҳақда Муҳаммад Солиҳнинг фикрлари:

Муҳаммад Солиҳ: Улар фақат шундай хабарнинг тарқалиши билан, 2

хабар беришдимми?

Муҳаммад Солиҳ: Ҳа, бир ҳафтадан кейин телефон қилишди.

Тенгиз Гудава: Бир ҳафтадан сунг телефон қилиб, шундай гап борлигини хабар қилишдимми?

Муҳаммад Солиҳ: Ҳа, улар шундай хавф борлиги ҳақида огоҳлантиришди, мен уларга: “қабул этинг”, дедим...

Тенгиз Гудава: Яъни, сиз бу ўйинни ўйнашни таклиф қилдингиз, шундайми?

Муҳаммад Солиҳ: Мен бу ўйинни ўйнашни таклиф қилдим, чунки, уларни фош этишнинг бошқа йўли йўқ эди.

Тенгиз Гудава: Ва чеченлар бунга рози булишдимми?

Муҳаммад Солиҳ: Ҳа, чеченлар: “Биз гаплашамиз”, дейишди. Улар Баҳром билан гаплашиб, “ўйнаймиз”, дейишди.

Тенгиз Гудава: Хотима ўрнида Баҳром Мўминоҳуновнинг Билдиришидан яна бир парча келтирамиз:

“Мен гувоҳлик бераманки, шу йилнинг 25 апрел куни Тошкент вақти билан соат 8 да Ички Ишлар вазири Зокир Алматы, терроризм билан кураш бўлими бошлиғи Ботир Турсунов, Ўзбекистон Интерполи директори Махмуд Ҳайитовлар Ўзбекистон Президенти резиденциясида Президент Ислом Каримов томонидан қабул қилиниб, ушбу буюртмани муҳокама қилишди” (иктибос тугади). Ўзбекистон демократик муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд тайёрлангани ҳақида Норвегия Ташки Ишлари хабардор. Бу мавзуда бир машхур теледастур ҳам филм ҳозирламоқда.

(Эшиттириш матни кискартирилган ҳолда таржима қилинди, – Тахрир.) Бу дастур эфирга узатилгандан кейин Ўзбекистон тепасида турганлар ҳақиқатдан ваҳима ичида яшадилар.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Ички Ишлар Вазирлиги Зокир Алматов ўша куннинг ўзидаёқ Халқаро Жосуслик Хизмати -Интерполнинг ўзбек бўлими директори Махмуд Хайитовни ишдан бўшатди, ўзи эса шошилинч равишда касалхонага ётиб олди. Ўша кун террорчиликка қарши кураш бўлими раҳбари Ботир Турсунов ИИВнинг вилоят ошқармаси бошлиғи ўрибосари вазифасига Тошкент вилоятга ишга ўтказилди. Алматов президентнинг олдига чакирилган, агрофагиларининг айтишларича ўртадаги суҳбат “даҳшатли” бўлган. Бироқ Алматов вазифасидан озод қилинмади.

жойлаштирилди. Солиҳ турмада 14 кун бўлди, бу кунлар эса ташқарида демократия тўлқини остида кечди. Нафақат Солиҳ учун, балки Марказий Осиё демократик жамияти учун демократия тантанаси эди у кунлар. Фарб жамияти тўлалигича ўзбек мухолифати лидери томонида эди. Шу 14 кун ичида ўзбек демократияси хақида кейинги ўн йил ичида ёзилганидан кўпроқ нарсалар ёзилгандир. Қисқача бу воқеа муносабати билан эълон қилинган фикрларга эътибор қаратсак: “Ассошейтед Пресс”, 29.11.2001 йил, Анкара, Карел Яничек. Прага. Чехия Республикаси (АП). “Озодлик” радиоси таклифи билан Прагага келган ўзбек мухолифати

Президент Вацлав Хавел ўткан кунни хибсга олинган Муҳаммад Солиҳ иши билан қизиқди. Хавелнинг матбуот котиби Ладислав Спачек шундай деди: Президентнинг бу ишга аралашшига ҳаққи йўқ. Бироқ у бу ишда қандайдир рол ўйнаши мумкинлигини ҳис қилган пайтдан бошлаб, ишга киришади. Маълумки, Солиҳ Каримовнинг диктаторлик режимидан қочиб чиқишга мажбур бўлган ва айни пайтда Норвегиядан сиёсий бошпана олган. Пайшанба кунини Норвегия Ташқи Ишлар Вазирлиги, Ўзбекистон уч марта Солиҳни экстрадиция қилишни сўрагани ва ҳар гал рад жавобини олганини айтди. Вазир бундан кейин бу ишни жуда эътибор

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Кузатувчиларнинг тахминларича Алматовни Каримов билан жуда нозик ришталар мустаҳкам боғлаб туради.

2000 йилдаги маҳкама

Ўзбекистон ҳукумати “16 феврал портлашлари” да айбланганларнинг жиноий ишларини маҳкамада кўришни бошлади. Асосий айбланувчилар ичида Муҳаммад Солиҳ ҳам бор эди. АҚШ ҳукумати балки шу сабабли “Эрк” партиясини демократик дея эътироф этиб баёнот тарқатганди.

АҚШ ҳукумати баёноти шундай янгради.

Бу баёнотдан 45 кун ўтгач, суд спектакли бўлиб ўтди, маҳкама ҳукми билан Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангоний сиртдан ўлимга маҳкум этилдилар, Муҳаммад Солиҳ эса 15,5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Суд фақат бир одам, фақат Муҳаммад Солиҳ учун ташкил этилгани, мақсад уни ўзбекистонга қайтиб келишига тўсиқ ўрнатиш эканлиги аён эди. Уни 15,5 йилга озодликдан маҳрум этишдан яна бир мақсад, Солиҳга ўз ватанида ўлим таҳдид этмаётганини намойиш этиш ҳам эди.

Бироқ суд қарори мухолифат лидерини ҳукумат кўлига топшириш учун етарли эмас эди. Бу Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистон талаби билан Интерпол томонидан Прагада хибсга олинганда очик кўринди.

Прагадаги хибс

Муҳаммад Солиҳ 2001 йилнинг 27 ноябрида, хибсга олиншидан бир кун олдин Брюсселда бўлиб ўтган Бўхронларни олдини олиш гуруҳининг Марказий Осиёда террорчилик (айни шу) мавзuidaги семинарда иштирок этганди. 2001 йилнинг 28 ноябрида Солиҳ “Озодлик” радиосининг таклифига кўра Амстердамдан Прагага учди. Прага кўнимгоҳида (аэропорти) уни хибсга олишди. У бир вақтлар Чехия президенти Вацлав Хавел ўтирган Панкрас турмасига

лидери “Интерпол” талабига кўра хибсга олинди. Ҳимоячи Мирослав Кохоутовнинг айтишича, Муҳаммад Солиҳ чоршанба кунини Прагадаги Рузина кўнимгоҳида хибсга олинган ва кейинги пайшанба кунини уни ватанига экстрадиция қилиш масаласи ҳал бўлади. Ўзбекистон президенти Каримов Америка Қўшма Штатларига ўз ҳарбий базасини тақдим этиб Фарб эътиборига сазовор бўлди, бироқ ҳуқуқ ҳимоячилари уни қатағонлар зўридан асосий оппонентлари радикаллашгаётган мамлакатда инсон ҳуқуқларини кўпол равишда бузиб келаётганликда айбламоқдалар.

“Хюман Райтс Вотч” ташкилоти куйидаги баёнотни тарқатди: “Таникли ўзбек диссидентини Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий сабаблар билан эълон қилган айбловига кўра хибсга олинди ва экстрадиция билан юзма-юз турибди. Солиҳ “Эрк” демократик партиясини раисидир. У 1991 йилги президентлик сайловида Ўзбекистон президенти Исрол Каримовга ҳақиқий муқобил сифатида қатнашганди. 2000 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Олий Суди Солиҳни “террорчилик ва ҳукуматга қарши фаолияти учун” 15,5 йилга озодликдан маҳрум этганди. Бироқ маҳкама жараёнини кузатган “Хюман Райтс Вотч” ушбу судни совет даврини ёдга солувчи спектакл деб топди. Унда Солиҳ айбини исботловчи бирорта ҳам далил йўқ эди.” “Уруш ва Тинчликни ёритиш институти” шарҳловчиси Галима Бухарбаева ёзди: “Тошкент ҳукуматини Солиҳни панжара ортида кўриш истагини тушуниш мумкин. Орадан саккиз йил ўтганига қарамай, у (Солиҳ) Каримов бошқарувидаги автократик ҳукумат ва ўзининг ҳақиқий рақиблари учун дунёвий мухолифат тимсоли бўлиб қолди.” Чехия Информация Агентлиги СТК 2001 йилнинг 30 ноябр кунини куйидаги маълумотни тарқатди: “Прага (СТК).

билан кузатишларини билдирди.” “Хюман Райтс Вотч”, “Амнести Интернейшнл”, “Мемориал”, “Лига фор Хюман Райтс” ва бошқа инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Солиҳни хибсга олинишини дастлабки кундан кузата бошладилар ва зудлик билан уни озодликка чиқаришни талаб қилди. 30 ноябр кунини Брюсселда, “Европа Парламенти” аъзоси ва Марказий Осиё бўйича Парламент делегацияси президенти Барт Стаес матбуот анжумани чақириб, Муҳаммад Солиҳни хибсга олинишини кескин муҳокама қилди. Жамоатчиликнинг кучли эътирозига қарамадан, Прага шаҳар суди 30 ноябрда бўлган мажлисида Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистонга экстрадиция қилиниши эҳтимоли билан қирқ кунлик қамоққа ҳукм қилди. Вазият анча таранглашган эди. 2001 йилнинг 1 декабрида “Нью Йорк Таймс” шундай ёзди: “Хюман Райтс Вотч ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича Ижрочи Директори Элизабет Андерсен Солиҳнинг ҳаёти хавф остида эканлигини айтди. Агар у Ўзбекистонга топширилса, қийнаб ўлдирилиши мумкин.” Айни шу пайтда Норвегия Солиҳнинг тақдир борасида жиддий ташвишга тушиб қолганди ва Ташқи Ишлар вазирлиги даражасида ўзбек диссидентини озод қилиш учун дипломатик ишларни бошлади. Чех Информация Агентлиги СТК 2001 йилнинг 1 декабрида шуни маълум қилди: Норвегия Ташқи Ишлар вазирлиги Ян Петерсен ўзининг Чехиядаги ҳамкасби Ян Кавандан Солиҳни Норвегияга қайтаришларини сўради. Петерсен ва Каван ҳафта охирида Бухарестда ЕХХТ йиғилишида учрашдилар. Норвегиянинг бу борадаги расмий талаби Прагага етиб келганди. Солиҳнинг экстрадиция қилиниши эҳтимоли ЕХХТ кўмитасида, Америка Қўшма Штатлари Конгрессида муҳокама қилинди.

(Давоми келгуси сонда)

ТАБИЙ ДОРИ - ДАРМОНЛАР

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Райхон *Ocimum basilicum*

Жаннат гули

Тери, ошқозон, ичаклар ва қовуқни тозалайди. Райхон ҳидлаш бош оғриғини, уни чайнаш эса чанқокни кетказади. Кўзга нур, юракка қувват. Мигрен, бош айланиши, эпилепсия ва уйқусизликка фойдали. Гижжаларни тўқади. Палов, таомлар, шўрва, қатик ва айронга қўшилади, чой билан дам-ланиши ҳам мумкин.

Туркистон ўлкалари аёллари райхонни кўп нарсаларда ишла-тишади: райхон чайнашади, соч-лари, қулоқ орқасига тақишади, ҳидлашади, бешикларга осиша-ди, барча таом ва ичимликларга қўшишади. Қуруқ райхонни кийим-ларига ва уйларига осишади. Шарқ аёллари Қуръони Каримда исми зикр қилинган райхон фойдаларининг бар-часидан фойдаланишни хошлашади. Қадимдан насронийлар (христиан-лар) уйларига қуруқ райхон осиб, ҳатто ўликларининг тобутига райхон қўйишарди.

Заъфарон *Crocus savitus*

Ички аъзоларни қувватлантиради, юракни дам олдирди, тикилган томирларни очади, иштаҳани ёпа-ди, юз рангини гўзаллаштиради, туғишни қулайлаштиради, сийдикни кўпайтиради. Селдир суви билан ичилса, талокқа фойда беради. Асал билан ичилса, буйракдаги кумни ҳайдайди.

Сарамас, бачадон саратони, жигар ва талок касалликларига фойдали. Кўз учун ҳам фойдали. Катактанинг ол-дини олади. Кўзни қувватлантиради. 1 тутам заъфарон 200 гр сув билан аралаштирилади ва бир кун туради, кейин сузилади. Заъфарон сувидан 1-2 қошиқ олинади ва 50-100 гр сув қўшилиб, қунига 2 мартадан ичилади. (Сув билан аралаштирилган заъфарон сувининг ранги апельсин рангида бўлиши керак.)

Саримсоқ *Allium sativum*

Қонни тозалайди, ўпка, жи-гар, сафро косаси (ўт пуфаги) ва юракни қувватлантиради. Яллиғланишни кетказади ва барча касалликларни йўқотади. Артери-яларнинг оҳакланиши, торайиши ва тикилишини кетказиш учун саримсоқдан яхшироқ дори йўқ. Гиж-жаларни тўқади, туберкулез бактери-яси билан бирга зарарли микроблар-ни, вирус ва паразитларни ўлдиради, иссиқликни туширади, қонни суюл-тиради, иштаҳани очади. Қизийдиган шишларни туширади, газаклаган яраларни очиб, тозаланишига ёрдам беради. Ярадаги инфекцияларни тоза-

лаб, ёпади, қонни холестериндан то-залайди, юз рангини гўзаллаштиради, сўлак безларининг яхши ишлашига ёрдам беради. Иммуниет тизимини қувватлантиради, генетик мутацияга қарши чидамликни орттиради. Ичимлик сувни ўзгартириши ке-рак бўлган киши саримсоқ ейи-ши керак. Бу шаклда янги сувга қўникма даврини қисқартиради ва қулайлаштирилади.

Жисмоний чўкишдан ўзини саклашни хоҳлаган қариялар ҳар қуни саримсоқ ейишлари ёки туйил-ган 3 тилим саримсоқни асал шарба-ти билан ичишлари керак. Бир бош саримсоқ + 10 дона янги яшил зайтун + 1 дона ўртача сабзи, 500 гр сув билан пиширилганидан кейин эзилиб сузилади. Бу сув ичилса хайзни кесади, туғишдан кейин эшнинг ташланишини таъминлайди, қоринда сув тўпланишига фойда беради.

Барра (янги униб чиққан) саримсоқ ейиш тортишмаларни йўқотади, газни кетказади, хайз келтиради, туғишдан кейин йўлдошнинг ташла-нишини таъминлайди, қоринда сув тўпланишига фойда беради.

Пишган саримсоқ ейиш овоз ва томоқни тозалайди, йўтални юм-шатади ва кўпайтиради, кўкрак оғриқларини тиндиради.

Бир бош саримсоқ майдалаб эзилади ва 50 гр асал шарбати билан аралаш-тирилиб, клизма қилинса, ёпиш-ган балғам ва сафрони туширади, шамоллаш оғриқларини энгиллатади, қурғоқли туширади.

Яхшилаб эзилган саримсоқ иссиқ шишларга (ярага, ревматизми бўғимларга, эмизикли аёл кўкрагига) сурилади, 2-3 соат туриб, алмаштири-лади. Тери ҳужайраларини очади ва газакларни оқизади.

Тўғралган саримсоқ яра ва замбуруғ устига сурилса, яхшиланишини таъминлайди, бош терисига сурилса, соч тўкилишининг олдини олади ёки тўхтатади, битларни ўлдиради.

Бурунга томизилган саримсоқ суви тумовни кетказади. Қулоққа томи-зилса, йиртилган қулоқ пардасини яхшилайдди, бирлаштиради. Ҳар қуни 3-7 саримсоқ ейиш ича-кларнинг соғлигига ва яхши ишлаши-га фойда беради.

Бир бош саримсоқ пўстлари олинмас-дан буғ ёки паловда пишириб ейил-са, гижжаларнинг тушишига ёрдам беради.

Оғир инфекция юқтирган касаллар (туберкулез, ОИТС ва бошқалар) ҳар қуни эрталаб 3 бош саримсоқ туйиб асалли сув билан аралаштириб ичиш-лари тавсия қилинади.

Бир бош саримсоқ туйилади, бир чой қошиқ майдаланган шамбала ва асал билан яхшилаб аралаштирила-

ди, бўтқа холига келтирилади ва ҳар қуни кечкурун оғриган бўғимларга сурилади. Устига ёғли қоғоз қўйиб, эрталабгача боғланади.

Буйрак ва сафро косаси тошларини эритиш учун:

100 гр лимон суви + 100 гр зайтун ёғи + 3 бош эзилган саримсоқ + 50 гр петрушка барглари сикилган суви аралаштирилади ва ҳар қуни кечкурун бу қоришмадан 50 гр ичи-лади.

Саримсоқли зайтун ёғи:

Бир шиша ичида 200 гр зайтун ёғи билан 1 бош эзилган саримсоқ аралаштирилади, қопқоғи ёпилиб, музлатгичга қўйилади. 24 соатдан кейин сузилади ва қунда 30-50 гр саримсоқли зайтунёғи айна микдорда лимон суви билан аралаштирилиб ичилади. Ошқозон, ичаклар ва жи-гарни тозалайди. Туғишдан кейин йўлдошнинг ташланишини таъмин-лайди, қоринда сув тўпланишига ёрдам беради.

Таом ва салат устига солиб ҳам ишла-тиш мумкин.

Уйқусизликка қарши:

24 дона лимон суви + 350 гр эзил-ган саримсоқ бир шиша идишга солинади, унинг усти 3 қават латта билан ёпилиб, уй ҳароратида 1 ҳафта туради. Сўнг сузилиб, музлатгичга қўйилади, туғагунича эрталаб ва кечкурун 1 бир қошиқдан ичилади. Қоришма мукамал қон тозаловчи ва артерияларнинг тикилишини очув-чидир. (лимон суви ўрнига табиий сирка ҳам қўллаш мумкин. “Сирка” бўлимига қаранг.)

Ҳадиси шарифда: “*Саримсоқ ен-глар, у билан даволанишлар, зеро у етмиш дарда даводир. Агар менга фаришта келмаганида эди, мен ҳам уни ердим*”, дейилган.

(Ҳазрати Али р.а. ривояти).

Оғоҳлантириш: Кўп саримсоқ ейиш бошни оғритади, кўзга зарар беради.

Семизўти *Pastirnaca sativa*

Семизўти турли йўллар билан истеъмол қилинади, энг таъсирлиси сувини ичишидир. Унинг суви имму-ниет тизимини қувватлантиради, бачадоннинг сурункали қонашини, геморрой қонашини ва қон кетишларини тўхтатади, гижжаларни туши-ради, буйрак, қовуқ, жигар ва талок касалликларига фойдалидир.

Семизўти суви сўғалларга сурилса, уларни туширади. Ичилса, ёки газзаклаган жойга боғланса, газзакни олади. Эзилган семизўти иссиқ шишларга сурилса, шишни қайтади.

(Давоми кейинги бетда)

ТАБИЙ ДОРИ - ДАРМОНЛАР

Давоми боши олдинги бетда

Семизўтининг суви ичилса ва бош терисига сурилса, иссиқни туширади ва бош оғриғини камайтиради. Семизўти қайнатилиб ва сузилиб, суви билан клизма қилинса, ичкадаги яраларни ёпади, гижжаларни туширади. Ёввойи семизўти боғ семизўтидан фойдалироқдир. Буйрак касалликларига қарши ёввойи семизўтидан фойдали дори йўқдир.

Сано *Cassia akutifolia*, *Folium sennae*

Тери, соч, кўзларни равшанлаштиради, қонни тозалайди, ошқозон ва юракни қувватлантиради, жигардаги қопламаларни очади, ичакларни ишлаб, сийдикни кўпайтиради, иссиқни туширади, оҳақ тўпланишининг олдини олади. Асосий хусусияти юракка қувват бериш бўлган сано табиблар томонидан “муҳташам дори” дея номланган. Санони чой сифатида эмас, баргларини майдалаб сув билан ичиш ёки қоришма сифатида истеъмол қилиш керак. Масалан:

30 гр сано + 15 гр жамбул туйилади, 15 гр ялпиз билан аралаштирилиб, кечки овқат устига ярим чой қошиқ сепилади ёки таомдан кейин сув билан ичилади.

Бир хил миқдорда сано, кашнич, жамбул туйилади ва кечки овқат устига сепилади.

Майдаланган сано асал билан аралаштирилади ва таомдан кейин ½ чой қошиқ сув билан ичилади.


1 ош қошиқ майдаланган қоразира + 2 ош қошиқ майдаланган шамбала + 3 ош қошиқ майдаланган сано + 1 ош қошиқ майдаланган жамбул + 3-4 лимон суви + 150-200 гр зайтун ёғи + 3 бош эзилган саримсоқ яхшилаб аралаштирилади. Таом билан бирга ёки нон устига суриб кунига ярим - 1 ош қошиқ ейилса, ичакларнинг тартибни ишлашини таъминлайди.

1/3-1/2 чой қошиқ майдаланган сано таомдан сўнг сув билан ичилади ёки айни миқдордаги сано барги чайнаб ейилади.

Сано чойини ҳам ора сира истеъмол қилиш мумкин. Санони тез-тез ичиши керак бўлганлар унинг чойини эмас, майдаланган аралашмаларини истеъмол қилсалар, янада яхши бўлади.

Қанчалик ичиш кишининг табиатига қараб белгиланади. Сано ёки қоришмаларидан бири оғриқ берса ёки ичакларни қаттиқ ишлатса, камайтириш керак. Пайти пайти билан умр бўйи ичиш мумкин.

Ҳазрати Анасдан (р.а.) нақл қилинган бир ҳадиси шарифда: “Бу уч нарса – сано, қоразира, седана - ҳар дардга даводир”, дейилган.



Сано ичакларни юмшатувчи (бўшаштирувчи) сифатида қўллansa, таом билан бирга ёки кейин, умумий даволаниш учун қўллansa, таомдан аввал истеъмол қилинади.

Сирка Олма, узум сиркаси

Сирка таркиби: Олмалар пўсти ювилмасдан тўғралади ва шиша идишнинг ярмигача солинади. Устига тўрт бармоқ қалинлигида сув солинади. Ачтиқи сифатида 1-3 қошиқча олма сиркаси қўшиш мумкин. Сирка ўткир бўлиши учун 1 литр сирка аралашмасига 1 қошиқ асал қўшилиши керак. Идишнинг оғзи мато билан ёпилиб, қоронғи жойга қўйилади. У тахминан 2 ойда тайёр бўлади. (Мева пашшалари пайдо бўлиб, устида медузасимон қатлам пайдо бўлса ва сирка ҳиди келса, демак, сирка тайёр) Шунда сирка сузилади, олмалари чиқариб ташланиб, қоронғи жойда сақланади. Сирка янада ўткир бўлиши учун ҳар бир литр сиркага бир қошиқ асал қўшилиб, оғзи ёпилиб қоронғи жойга қўйилади. Сирка 2 - 4 ҳафтада тайёр бўлади.

Уруғларидан ташқари олмаларнинг барча қолдиқлари сирка учун ишлатилиши мумкин. Қанчалик кўп пўстлоқ бўлса, шунчалик яхши. Олма сиркасининг шифоли бўлиши сиркада кўп миқдорда калий ва олма кислотаси мавжудлигига боғлиқ. Сирканинг мижози совуқ: қайнатилиб совуқлиги камайтирилса, шу билан ўткирлиги ошади. Метаболизмни қувватлантирган ва қувватни оширган олма сиркаси хусусан қариялар учун фойдали.

Сирка ҳазмга ёрдам беради, тромбозит ишлаб чиқарилишини нормаллаштиради, қонни суялтиради, анемияга дори, хайзларни тартибга солиди, томиларни очади ва асабларни дам олдиради. Сирка бошга сурилса, кепакка, соч тўкилишига ва бош оғриғига фойдали.

Эгзема, учук, сарамас ва садафга (псориазга) сурилса, яхшилайди. Сано билан бирга қайнатиб, эгзема ва яраларга сурилса, уларни яхшилайди. Сирка ичиш қонашларни тўхтатади, балғамни юмшатади ва кесади. Бир парча юнг ёки пахтани сиркага ботириб, янги ярага қўйиш шишишнинг олдини олади, эски ярага қўйилса, қатталашини тўхтатади, кўқарган жойларга бинт билан боғланса, уларни кетказди, куйган жойларга сирка компресси қилиш оғриқни тўхтатади ва қисқа вақтда яхшиланишини таъминлайди. Ҳароратли касалликларига зайтун билан аралаштирилиб, бошга сирка суриш, бош оғриғини тўхтатади, иссиғи чиқаётган танага сурилса, иссиқни туширади.

Сирка ичида аччиқтош эритиб, бу билан оғиз бурунни ювиш милк ва тишларни қувватлантиради, фарғара қилиш кичик тил шишларини кичрайтиради.

Сирка буғи билан буғланиш синусларни очади. Сиркани илиқ қилиб ютиш сурункали йўтални енгиллатади, ҳар қандай заҳарланишга фойдали. Сувга сирка қўшиш ҳам ҳар қандай сувни тозалайди. Олма ва узум сиркаси лимон суви ўрнига ўтади.

3-4 ойда 2-4 ҳафталик курс (ҳар куни эрталаб 30-50 гр сирка сув ва асал билан ичилади) буни давомли қилиш керак.

Ҳазрати Жобирдан (р.а.) ривоят қилинган ҳадиси шарифда: “Аллоҳ Таъоло сирка еган кишига икки фариштани маъмур қилади. Еб бўлгунича унинг ҳаққига истиғфор айтишади”, дейилган.

Табиий олма ва узум сиркаси сирка кислотаси билан аралаштирилмаслиги керак. Сирка кислотаси (сирка экстракти) оғир заҳар ҳисобланиб, барча аъзо ва тизимларни куйдириб юборади.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

www.uzxalqharakati.com

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Муस्ताқил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош